

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

Исраилова Комилахон Тавакаловна

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТАФАККУР МИКРОМАЙДОНИ

Ихтисослик: 5А 220102 – Лингвистика мутахассислиги бўйича магистр
академик даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар:

филология фанлари

доктори, профессор

Ш.Искандарова

МУНДАРИЖА

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ.....	3
КИРИШ.....	6
I БОБ. ЛЕКСИК МАКРОСИСТЕМА ВА ТАФАККУР МАЙДОНИ	
1.1. Лингвистик майдон ҳақида.....	11
1.2. Ўзбек тилининг семантик майдонлари.....	18
1.3. Тафаккур майдони бирликлари.....	42
Боб юзасидан хулоса.....	45
II БОБ. ТАФАККУР МИКРОМАЙДОНИНИНГ ГУРУҲЛАНИШИ	
2.1. “Тафаккур” семали отлар.....	48
2.2. “Тафаккур” семали сифатлар.....	51
2.3. “Тафаккур” семали феъллар.....	51
Боб юзасидан хулоса.....	54
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	55
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	56

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” номли асарларида маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган омиллар хусусида сўз юритиб: “Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур ллэтиб бўлмайди”, - деб таъкидлаган эдилар. Шу маънода миллий тилимизнинг бой имкониятларини, сўзлар ва уларнинг қўлланиш усулларини ўрганиш ҳам маълум миллатнинг ўзига хос томонларини кўрсатишга хизмат қилади.

Ўзбек тили лексикасини мавзуй гуруҳларга бўлиб ўрганиш масаласига 60-70-йилларда маълум даражада эътибор берилди. Бу йўналишда қатор тадқиқотлар юзага чиқди, докторлик, номзодлик диссертациялари, монографик тарздаги ишлар пайдо бўлди.

Ўзбек тили лексикасини система сифатида мазмуний майдонларга бўлиб ўрганиш учун, шубҳасиз, ушбу тадқиқотлар замин вазифасини ўтайди. Бироқ тадқиқотчилар мазмуний майдонлардаги бирликларни фақат автоном ҳолда ўрганиш билан чекландилар.

Тадқиқотларда гарчи ҳар қайси мавзу гуруҳлари ҳақида алоҳида-алоҳида фикрлар билдирилган бўлса-да, уларнинг ўзаро муносабати, ҳар қайси гуруҳ таркибидаги лексик бирликларнинг муносабатларини ёритишга эътибор берилмади. Натижада ўзбек тили лексикасининг яхлит система эканлиги хиралашиб қолди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бу назариянинг пайдо бўлиши ўтган асрнинг 20-30-йилларига тўғри келиб, у В.Гумбольдтнинг “тилнинг ички шакли” хусусидаги таълимотини қайта-янги йўналишда кўриб чиқилиши билан боғланади. Бу даврда узоқ давом этган лингвистик тадқиқотларнинг асосий объекти бўлган “тилнинг ички шакли” сифатидаги илмий баҳслар ушбу назариянинг дунёга келиши учун асос бўлди.

“Мазмуний майдон” термини ўша пайтда тадқиқотчилар томонидан турлича изоҳланди. И.Трир мазмуний майдон сифатида “тушунчалар майдони”, “тушунчалар доираси”ни назарда тутди. Л.Вайсгербер “тил мазмунининг маълум қисми”, “таркибининг бўлаги”, В.Порциг “маъноларнинг моҳиятан боғлиқлиги”, Г.Ипсен мазмуний ва грамматик жиҳатдан боғланган сўзлар гуруҳини сематик майдон тарзида талқин этади. А.Йоллес эса уни “семантик бирлашиш” деб номлаб, унинг доирасида антонимик жуфтликларни белгилайди. Ф.Дорнзайф ва В.Вартбурглар тил луғавий таркиби-ажратилиш мумкин бўлган семантик гуруҳларида мазмуний майдонни кўрадилар.

Юқоридаги тадқиқотчилар мазмуний майдон атамасини ҳар хил тарзда изоҳлашларига қарамай, уларни семасиологик тадқиқотлар асоси бўлган “тилнинг ички шакл”ни тушунишида тилни ҳар томонлама ва турлича муносабатларда ўрганишлари билан бирлаштириш мумкин.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари. Ушбу диссертациянинг асосий мақсади, лексик-мазмуний майдонларнинг ўзаро муносабати ва лексик системада "тафаккур" микромайдонининг ўзига хос хусусиятини очиш, бу майдоннинг ички майдончаларга бўлиниш асосларини кўрсатишдан иборат.

Тадқиқотда кўзда тутилган асосий мақсадга қуйидаги вазифаларни бажариш билан эришилади:

- борлиқ-инсон-тил диалектик муносабати масаласини ойдинлаштириш;

оламнинг бир бутунлиги ва унинг тилда намоён бўлиш шакллари аниқлаш;

- ўзбек тили лексемаларини мазмуний майдонларга таснифлаш орқали лексик системанинг табиатини очиш;

Тадқиқотнинг объекти ва материаллари.Тадқиқотнинг ўрганиш объекти ўзбек тили лексик системаси ва ундаги "тафаккур" микромайдонини ташкил этган лексемалардир.

Ишнинг илмий янгилиги:

- майдон ва унга ёндош ҳодисаларни фарқлаш;
- майдон бирликлари ўртасидаги систем алоқаларни кўрсатиш
- "тафаккур" микромайдонини ташкил қилган лексик бирликларнинг умумий ва хусусий семаларини аниқлаш

Диссертациянинг назарий аҳамияти. Ушбу магистрлик иши ўзбек тилида тафаккур микромайдонини систем-структур нуқтаи назардан ўрганиш ҳамда тилнинг экспрессив функциясини ёритиш учун муҳим назарий аҳамиятга эга. Унда ўзбек тилидаги тафаккур ммайдони бирликлари муайян мазмуний гуруҳларга бирлаштирилди ва уларнинг ички узвларига хос муносабатлар таҳлил қилинди.

Магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти.

Бу тадқиқотнинг ўзига хос амалий аҳамияти шундаки, лингвистик фактларга автоном ҳолда ёндашиш ҳар қайси ҳодисанинг остида яширинган моҳият сирини очилишига эътибор беради.Бунда асосий эътибор кўпроқ лингвистик ҳодисалар ўртасидаги муносабатни ёритишга қаратилади. Диссертациянинг хулосалари ва материаллари идеографик луғатлар яратишда, тилнинг системавий табиати билан боғлиқ семинарлар ташкил этишда манба сифатида ҳисса қўшади.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги.Диссертациянинг асосий мазмуни муаллиф томонидан эълон қилинган 2 мақола ва тезисларда ўз ифодасини топган

Диссертациянинг тузилиши.Тадқиқот кириш, икки асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, саҳифани ташкил этади.

“Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва

тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади.”

(И.А.Каримов.)

Кириш

Олам ўзаро шартланган бир-бирини тақозо этадиган элементлар муносабатидан ташкил топган яхлит бир система сифатида кичик бутунликларга бўлинувчан хусусиятга эгадир. Объектив олам оддийдан мураккабга қараб синфларга бирлашувчи ва айни чоғда, бўлакларга бўлиниш хусусиятига эга бўлган мураккаб система саналади. Бу бўлиниш инсон онгида умумлашган тарзда акс этади ва тилда ўз ифодасини топади ҳамда тилнинг объектив олам билан онг орқали узвий боғланишини кўрсатади.

Объектив оламнинг инсон онгида акс этиши ва тилда ўз ифодасини топиши лексик системанинг муайян мавзуий гуруҳларга бўлиниши орқали намоён бўлади. Шунинг учун ҳам лексик системани майдон сифатида

ўрганиш тил - онг - борлиқ диалектик муносабатини очишда катта аҳамиятга эга.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. “Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлониининг сўзлари билан айтганда, “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинайи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур.” Бу ҳақда гапирганда, мустақиллик арафасида ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласида қандай қизғин, баъзида кескин ва муросасиз баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтгани беихтиёр ёдимизга тушади.”

Бу теран ва доно фикрлар асосида бебаҳо тилимизнинг чуқур имкониятларини яхшироқ англаш, ўзбек тилшунослигини янада ривожлантириш, ҳозирги кунда янгидан-янги тадқиқ усуллари қидириш талаблари келиб чиқади.

Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон асосида тадқиқ этиш ҳам шу йўлдаги изланишлардан биридир. Унинг муайян мазмуний майдонлардан ташкил топганлиги, бу мазмуний майдонларнинг ички тузилиши, тузилиш бирликларининг бир-бири билан ўзаро муносабати, майдонларнинг узвий боғланиши сингарилар жиддий тадқиқотлар талаб этадики, улар бугунги туркийшунослик олдида турган энг муҳим муаммолардан саналади. Шунга кўра, биз ушбу тадқиқотда ўзбек тили лексик системасида муҳим ўрин олган "тафаккур" умумий семаси билан бирлашган лексик-семантик гуруҳ (ЛСГ) ларнинг тил системасида тутган ўрни ҳамда бу ЛСГ таркибидаги лексемаларнинг ўзаро муносабатини очишга ҳаракат қилдик. Чунки

лексикани мазмуний майдон сифатида ўрганиш ҳам туркийшунослик, хусусан, ўзбек тилшунослигининг энг долзарб мавзуларидан биридир.

I БОБ.

ЛЕКСИК МАКРОСИСТЕМА ВА ТАФАККУР МАЙДОНИ

Лингвистик майдон ҳақида тушунча беришдан аввал бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айлана олган майдон назариясига тўхталиб ўтамиз. Ҳозирги кунда тилшуносликка система сифатида ёндошиш ва системавий тадқиқотларга жиддий эътибор бериш авж ола бошлади. Бу тадқиқотларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, лингвистик фактларга автоном ҳолда ёндашиш ҳар қайси ҳодисанинг остида яширинган моҳият сирини очилишига эътибор беради. Бунда тадқиқотчи эътибори кўпроқ лингвистик ҳодисалар ўртасидаги муносабатни ёритишга қаратилади.

Фердинанд де Соссюр тилшунослар диққатини лингвистик бирликлар орасидаги муносабатни очишга қаратиб муносабатнинг парадигматик ва

синтагматик турлари мавжудлигини кўрсатган эди. Соссюр бу билан қиймат тушунчаси ва тилнинг системавий табиатини белгилашда аниқ хулосалар яратади. Унинг фикрича, тилнинг муайян бир даврида ҳар бир нарсa муносабатларга асосланади. Барқарор муносабатлар йиғиндиси тилни ташкил этади ва унинг функцияланишини белгилайди. Шунинг учун системанинг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолар билан синтагматик ва ассоциатив муносабати орқали аниқланади. Муносабатлар характериға кўра икки гуруҳға бўлинади:

а) синтагматик муносабат;

б) ассоциатив муносабат

Бу икки муносабат ақлий фаолиятимизнинг икки шаклиға мувофиқ келади. Синтагматик муносабат икки ва ундан ортиқ муносабат аъзоларининг актуал кетма-кетлиғиға асосланса ва праесентиа бўлса, ассоциатив муносабат бундай муносабат аъзоларини виртуал, мнемоник қаторға бирлаштиради, уларнинг аъзолари доимо ин абсентиадир.

Сўз нутқ жараёнида ўзаро боғланиб, кетма-кетликка асосланган муносабатға киришади. Кетма-кетлик хусусияти икки элементнинг бир вақтда талаффуз қилинишиға имкон бермайди. Бу элементлар нутқ оқимида бири иккинчиси орқасидан терилади. Ана шундай чўзиқликка эға бўлган боғланиш Ф. де Соссюр фикриға кўра, синтагма саналади.

Синтагма доимо энг камида иккита кетма-кетлик бирликларининг ўзаро муносабатидан ташкил топади. Синтагма аъзолари ўзидан олдин ё ўзидан кейин келган бирликларға ёки ҳар иккисига зидланишиға кўра маълум қийматға эға бўлади.

Синтагма икки ва ундан ортиқ бирликларнинг эркин боғланиши натижасида ҳосил бўлганлиғи учун синтагматик муносабатни айрим муаллифлар нутққа ҳослиғини таъкидлайдилар.

Лекин Ф. де Соссюр унинг ҳам тилға, ҳам нутққа даҳлдор эканлиғини кўрсатади. Унинг фикрича, синтагманинг типик кўриниши гап бўлса ҳам,

лекин бундай гап нутққа хос бўлганлигидан келиб чиқиб, синтагма фақат нутққа дахлдор бўлади, деган хулосага келмаслик керак. Нутқнинг характери белгиси элементларнинг эркин алмашилишидир. Ана шундан келиб чиқиб синтагмага ёндашадиган бўлсак, синтагмага дахлдор бўлган бир қатор синтактик қурилмалар барқарорлик хусусиятига эга эканлигини кўрсатади. Масалан, мақоллар, фразеологизмлар ва бошқалар. Бундай ифодалар нутқ жараёнида ҳосил қилинмайди, балки анъанага кўра тайёр ҳолда нутққа олиб кирилади.

Бундан ташқари, маълум қоидалар асосида қурилган барча синтагмаларни ҳам нутққа эмас, балки тилга кириши лозим, дейди.

Чунки бундай қурилмаларнинг тилда тайёр намуналари мавжуд бўлади. Шунингдек, муайян шаблонлар асосида шаклланган бирикма ва гаплар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Бундай шаблонлар сўзловчи хотирасида олдиндан мавжуд бўлади.

Сўз синтагматик муносабатга кириши билан бирга нутқий жараёндан ташқарида бошқа сўзлар билан умумийлик белгисига кўра сўзловчи тил хотирасида ассоциациялашади ва бу ассоциациялашган бирликлар хотирасида муайян гуруҳларни ҳосил қилади.

Гуруҳ бирликлари ўртасида эса хилма-хил муносабатлар мавжуд бўлади. Масалан, ишла сўзини айтишимиз билан беихтиёр ҳаёлимизга, бир томондан, сўзла, тузла, музла сингари сўзлар гуруҳи, иккинчи томондан, ишчи, ишсиз, ишли каби сўзлар гуруҳи келади.

Лисоний бирликларнинг бундай муносабати юқорида кўрсатилган синтагматик муносабатдан тубдан фарқ қилиши таъкидланади.

Бу муносабат синтагматик муносабатдан фарқли равишда кетма-кетликка асосланмайди. Балки сўзловчи хотирасида ўзаро боғланган ҳолда жойлашади.

Онгимизда ҳосил бўлган ассоциатив гуруҳлар маълум умумий белгисига эга бўлган муносабат аъзоларининг яқинлашуви билан чегараланмайди. Онг ҳар бир муносабатда муносабат аъзоларини боғловчилар характерини ҳам қамраб олади. Натижада нечта ассоциатив қатор бўлса, шунча фарқли муносабат ҳосил қилади. Масалан, ўзакдошлик асосида бирлашган сўзлар гуруҳи, қўшимчадошлик асосида бирлашган сўзлар гуруҳи. Бундан ташқари, ассоциатсия фақат ифодаланмиш ўхшашлиги асосида ёки фақат акустик образлар умумийлиги асосида рўй бериши мумкин. Шундай қилиб, ассоциатсия ҳам мазмун ва шакл асосида ёки фақат шакл, ё фақат мазмун асосида юзага келиши мумкин. Ҳар қандай сўз ўзи билан ассоциатсия муносабатида бўлиши мумкин бўлган сўзни доимо эсга солади.

Синтагматик муносабатда элементлар кетма-кетлиги ва ўзаро алмашилиши ҳақида тасаввурга эга бўлсак, ассоциатив гуруҳ аъзоларининг эса хотирамизда аниқ миқдори ва аниқ кетма-кетлиги мавжуд бўлмайди.

Ассоциатив гуруҳнинг ҳар бир аъзосини бошқа чегарасиз барча аъзоларини кесиштирувчи таянч нуқта сифатида эътироф этиш мумкин.

Ассоциатив қаторларининг қуйидаги икки хусусияти мавжуд:

- а) таркибнинг ноаниқлиги ;
- б) миқдорларнинг чегарасизлиги.

Бу икки хусусиятдан Соссюрнинг фикрича, биринчиси доимо мавжуд, иккинчиси эса кўпинча бўлмаслиги мумкин. Масалан, сўз ўзгариши қатори чегараланган, келишлар миқдори аниқ, лекин уларнинг парадигмадаги жойлашиш қатори тадқиқотчининг ихтиёрига боғлиқ. Демак, парадигма аъзоларининг жойлашиш тартиби субектив, тасодифийдир. У ёки бу тартибда жойлашиши мумкин.

I.1. Лингвистик майдон ҳақида

Лингвистик бирликларнинг муайян бирлаштирувчи маъно асосида маълум парадигмаларга бирлашуви тилшуносликда кейинчалик майдон назариясини вужудга келтирди.

”Майдон” атамаси қатор фанлар доирасида мавжуд бўлиб, жумладан физикада :

Майдон физиканинг асосий тушунчаларидан бири эканлиги , фазодаги тақсимланган физик катталикларнинг хусусиятларини текширувчи назария ҳозирги кунда майдон назарияси эканлиги қайд этилади.

Алгебрада қўшиш, кўпайтириш ва уларга тескари амаллар - айриш, бўлиш киритилган тўплам сифатида белгиланади.

Лингвистикада эса маъно умумийлиги билан бирлашган ва белгиланётган ходисаларнинг тушунчавий предметлик ёки вазифавий ўхшашлигини акс эттирувчи тил бирлиги сифатида белгиланади.

Лингвистик бирликларнинг маълум маъно асосида бирлашуви, маълум бир тилдаги луғавий бирликларни ана шундай мазмуний уяларга бирлаштириш шарқ тилшунослигида ривожланган. Кейинчалик XIX асрда лингвистик бирликларни мазмуний гуруҳларга бирлаштириш ёки бутунни маълум мазмуний гуруҳларга ажратиш ғояси Европада авж олди. Шунга кўра, бу назария Европа тилшунослиги билан узвий боғланиб қолди.

XIX асрда лексик бирликлар умумийлигига М.Покровский томонидан эътибор қаратилди. Майдон тушунчасининг назарий талқини И.Трир, Г.Ипсен, В.Порциг, .Вайсгербер, А.Йоллес ишларида кўзга ташланади, кейинроқ А.А.Уфимцева, Н.И.Филичева, Ю.Н.Караулов, Г.С.Шчур кабилар ишлари билан бу назария ривожлантирилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, лингвистикага майдор назарияси мазмуний майдон тушунчаси сифатида кириб келди. Хўш, мазмуний майдон назарияси пайдо бўлишининг қандай асослари мавжуд?

Бу назариянинг пайдо бўлиши ўтган асрнинг 20-30-йилларига тўғри келиб, у В.Гумбольдтнинг “тилнинг ички шакли” хусусидаги таълимотини қайта-янги йўналишда кўриб чиқилиши билан боғланади. Бу даврда узок давом этган лингвистик тадқиқотларнинг асосий объекти бўлган “тилнинг ички шакли” сифатидаги илмий баҳслар ушбу назариянинг дунёга келиши учун асос бўлди.

“Мазмуний майдон” термини ўша пайтда тадқиқотчилар томонидан турлича изоҳланди. И.Трир мазмуний майдон сифатида “тушунчалар майдони”, “тушунчалар доираси”ни назарда тутди. Л.Вайсгербер “тил мазмунининг маълум қисми”, “таркибининг бўлаги”, В.Порциг “маъноларнинг моҳиятан боғлиқлиги”, Г.Ипсен мазмуний ва грамматик жиҳатдан боғланган сўзлар гуруҳини сематик майдон тарзида талқин этади. А.Йоллес эса уни “семантик бирлашиш” деб номлаб, унинг доирасида антонимик жуфтликларни белгилайди. Ф.Дорнзайф ва В.Вартбурглар тил луғавий таркиби-ажратилиш мумкин бўлган семантик гуруҳларида мазмуний майдонни кўрадилар.

Юқоридаги тадқиқотчилар мазмуний майдон атамасини ҳар хил тарзда изоҳлашларига қарамай, уларни семасиологик тадқиқотлар асоси бўлган “тилнинг ички шакл”ни тушунишида тилни ҳар томонлама ва турлича муносабатларда ўрганишлари билан бирлаштириш мумкин.

В.Гумбольдтнинг «ички шакл» таълимотини Л.Вайсгербер ва И.Трир тушунчавий моҳияти жиҳатидан, Г.Ипсен ва В.Порциг сўзларнинг мазмуний моҳияти гуруҳи ҳамда системаси томонидан, Ф.Дорнзайф ва Вартбург эса тилнинг луғат таркибига хос предметлик ва тушунчалар гуруҳи нуктаи назаридан ривожлантирдилар.

Семасиологиядаги янгигумбольдтчилик йўналишининг назарий асоси тилнинг лексик бўлиниш қонуни ҳисобланади ва тил структурасининг бўлиниш қонуниятлари “тилнинг ички шакли”дан келиб чиқади. В.Гумбольдт

“тилнинг ички шакли” сифатида, аввало, чиқаётган товушнинг фикр ифодалаш даражасига кўтарувчи ақл фаолиятининг доимий элементини тушунади. Унинг кейинги даврдаги издошлари тил ўрганишнинг асосий вазифаси турли тиллар семантик структурасида янги кўринишда жумбокли тарзда намоён бўлувчи ўзига хос тушунчавий ғояни излашга олиб келади, деб такидлайдилар.

Ф.де Соссюр юқоридаги масалани ойдинлаштиришда янги гумбольдтчиларга йўналиш яратиб берди, дейиш мумкин. Маълумки, Ф.Соссюрнинг фикрича, тилнинг ўз системаси мавжуд бўлиб, у ўзаро шартланган ишоралар системасидир. Соссюр тилни бирбирига қарама-қарши қўйилгандагина аҳамиятли бўлган шартли белгиларнинг ёпиқ системаси сифатида тадқиқ этиб, тилнинг бўлиниш қонунини янгидан кўрсатиб берди. Тилнинг маълум тузилма сифатидаги бўлиниш механизмини тушунтириб, у шундай ёзади “Лотинчада “artikulus” -нарсалар қаторининг аъзоси, қисми, бўлаги деган маънони англатади, ҳар қайси тил элементи ўз ичига ғоянинг товуш билан бирлаштирган кичик бир бўлак “artikulus”дир, товуш эса ғоя учун белгидир.”

Ҳар бир сўз ортида товуш, вазият ва тушунчавий алоқалар системаси ётади. Сўз кўп ўлчамли алоқаларнинг тўри (сеткаси) ҳисобланади. Нормал ҳолатда баъзи услубий алоқалар (масалан, образлилик) эътиборга олинмайди, маъновий алоқалар етакчилик қилади.

“Тилнинг фикрга бўлган муносабати характерли вазифаси ғояни ифодалаш учун моддий товуш воситасини ҳосил қилишда эмас, балки унинг тафаккури ва товуш орасидаги воситачилигидадир. Бунда уларнинг бирлашуви бирликларнинг икки томонлама чегараланишига олиб келади. Табиатан айқаш-уйқаш бўлган тафаккур бўлини туриб, бирор эҳтиёж натижасида ойдинлашади” – деб Соссюр тилнинг бўлиниши қонуниятларини фалсафий асослайди.

В.Гумбольдт ва унинг кейинги даврдаги издошларини Ф.де Соссюр билан тил структураси характерини ўз қонунлари билан ташкил этилган ёпиқ система сифатида тушуниш бирлаштиради.”Ҳар бир тил объектив реаллик устида турувчи ва унга қарама-қарши қўйилувчи танловлар системасидир”, - деб таъкидлайди И.Трир.

Тилшуносликда “майдон” тушунчасининг узил кесил шаклланишига ёрдам берган ҳал қилувчи тадқиқотлардан бири Л.Вайсгербернинг ишлари бўлди.Л.Вайсгербернинг фикрича, тилни руҳий мазмуннинг оддий воситаси сифатида эмас, балки дунёни интеллектуал шакли сифатида ўрганиш зарур, унингча, семасиология маънолар хусусидаги фан бўлмай, тушунчалар ҳақидаги таълимот бўлиши керак.

И.Трир ва Л.Вайсгербер талқинидан фарқли ҳолда янги гумбольдтчиликнинг кейинги гуруҳ олимлари Г.Ипсен, В.Порциг, А.Йоллес, Ф.Дорнзайф, Ф.Фон Вартбург сингарилар лингвистик тадқиқотлар объекти қилиб сўзлар гуруҳи ёки тилнинг бутун луғавий таркибини оладилар.

Г.Ипсен қадимги ҳинд-европа тиллари лексикасини қиёсий-тарихий жиҳатдан ўрганиш давомида “мазмуний майдон” терминини биринчи марта шарқ тилларидаги металл номларини белгиловчи сўзлар гуруҳига нисбатан қўллаган бўлиб, у бу сўзларнинг ҳинд-европа тилларида функционал жиҳатдан чегараланиб, алоҳида гуруҳни ташкил этишига асосланган.

В.Порциг эса семасиология фанига мазмуний майдоннинг ўзига хос тушунчасини олиб кирди, у майдон назариясини нутқни ўрганиш асосида очиб беришга интилди. Унингча, мазмуний майдон маълум тилдаги сўзлар орасида ўрнатиловчи асосий муносабатлар билан боғланади ҳамда предикатив вазифани бажарувчи феъл, сифат ва отлар орасидаги боғлиқликдан келиб чиқади.

В.Порциг билан бир вақтда Ф.Йоллес ҳам тилшуносликка мазмуний майдоннинг янгича талқинини киритди. У маълум бутунликка мансуб

бирликлар шу бутунликнинг бирор жихатини ифодалаши билан шу гуруҳга хосланишини кўрсатди.

Майдон назарияси муаммолари бўйича кейинги йилларда қатор тадқиқотлар олиб борилди. Г.С.Шчур майдон муаммолари юзасидан мингдан ортиқ мақолалар эълон қилинганини таъкидлайди. Бундай назарий тадқиқотларни атрофлича ўрганиб, уларни умумий тарзда тарихийлиги нуқтаи назаридан ва қўйилган муаммолар жихатидан маълум гуруҳларга ажратиш мумкин. Бунда асосан назариянинг алоҳида тушунчаларини хронологик йўналишда кўриб чиқиб уларнинг исбот қилиниши, назариянинг қўйилаётган муаммолари жихатидан ўрганилиши, шунингдек, майдон назариясини тарихийлик ва муаммолар таҳлили билан биргаликда олиб борилиши нуқтаи назаридан фарқлаш мумкин.

Лингвистикада майдон назариясининг кейинги йиллардаги ривожини шу даражага етдики, унинг ғоялари ва методлари тилнинг лексик сатҳидан бошқа сатҳларга нисбатан ҳам тадбиқ қилина бошланди. Дастлабки тадқиқотлар мазмуний майдон доирасидан келиб чиқиб, турли луғатлар тузиш учун умумий қонуниятларни очишда назарий асос бўлди. Кейинроқ бу йўналишда тилнинг бошқа сатҳлари, жумладан, морфосемантика, грамматика сингарилар доирасида ҳам жиддий асарлар юзага келди.

Майдон тушунчасининг талқини ҳамда унга хос хусусиятларга айрим ҳолда ёндашув майдон назариясини тадқиқ этишнинг турлича муаммоларини вужудга келтирди.

Бунда майдон чегараларининг аниқлиги, майдоннинг автономлиги, бутунлиги, узлуксизлиги жихатидан тил бирлиги сифатида қаралгани ҳолда ёки майдон мустақиллигининг нисбийлиги, майдонлар ўзаро муносабатининг кенг характерга эгалиги бўйича тил бирликларидан фарқланувчи томонлари асосидаги муаммолар; майдонлар тузилиши (майдонда очик – бўш ўриннинг бўлмаслиги) муаммолари; кўп маъноли сўзларнинг фақат бир майдонга

мансублиги ёки бир неча майдоннинг элементлари бўлиши мумкинлиги асосида майдон ва полисемия муносабатлари муаммолари ўртага ташланади. Майдоннинг у ёки бу хусусиятларига таяниб, ушбу муаммолар тадқиқотчилар томонидан турли-туман равишда ўз ечимини топмоқда.

Ўзбек тилшунослигида ҳам майдон талқини билан боғлиқ бир қатор қарашлар юзага чиқмоқда.

Мазмуний майдоннинг мантиқий тузилиши. Мазмуний майдонда сўзлар барча маъноларининг йиғиндиси билан бир бутун сифатида ички муносабат ва алоқаларга кирмай, балки алоҳида маънолари билан муносабатга киришади. Маънога сўзларнинг дифференциал-мазмуний белгилари ёки таркибий қисмларнинг тўплами сифатида қараш мумкин. Ю.Н. Караулов ҳар қандай икки тўплам бир-бири билан қуйидагича муносабатларда бўлишини таъкидлайди:

1) ноль зидланиш тўпламлар ўртасида тенг муносабат бўлиб, бундай тўпламлар элементлари яъни таққосланаётган сўзлар маъноларининг асосий қисмлари бир хил бўлади, бу иккита оппозицияларнинг лексик жиҳатдан тушунилиши синоним ва синонимик ифодалар бўлади. Уларнинг асосий қисмлари ўхшаш ва улар маъно нозикликлари билан фарқланади;

2) приватив оппозиция ёки қатъий киришиш муносабатлари-бундай муносабатларда тур ва жинс номлари бўлади ва баъзан бу муносабатларни гипонимия деб ҳам атайдилар. Бунда икки ҳолат кузатилиши мумкин:

а) маълум тўпламнинг нисбийлиги (хусусийлигини), яъни тўпламнинг ўзидан юқори бўлган тўплам таркибига кириши кўрсатилади (фил-ҳайвон-жонли мавжудот);

б) маълум тўплам таркибида иккинчи тўплам (ёки унинг бирлиги) муайян ном сифатида кўринади. Вайсгербер бу хусусий муносабатларни белгилаш учун тур-жинс мантиқий тушунчалари билан боғлиқ бўлмаган терминологияни қўллайди: масалан, лола, атиргул, сафсаргул, гулга нисбатан

гипонимдош (согипоним) дир, гул эса уларга нисбатан суперордината саналади;

3) эквиполент оппозиция - бунда икки тўплам бир-бири билан кесишади, уларнинг кесишишида иккала тўпламнинг умумий қисми ҳосил бўлади. Такқосланаётган маъноларнинг бир хил ҳамда турлича таркибий қисмлари мавжуд, улар бир сўз туркуми (юқоридаги каби), турли туркумлар, шунингдек, кўп маъноли сўзларнинг алоҳида маънолари доирасида бўлиши мумкин;

4) дизъюнктив оппозиция - бунда тўпламларнинг умумий элементлари мавжуд бўлмайди: бемор - сандиқ.

Шундай қилиб, майдонда сўзларнинг мазмуний алоқаси хусусидаги масалани ҳал этиш давомида қуйидагиларга тўхталиш лозим. Агар сўзларнинг маънолари умумий қисмга эга бўлса (тўпламлар кесишса), икки сўз бир-бири билан боғлиқ ҳисобланади. Бу ҳолда мазмуний майдонда маънолар умумий таркибий қисмлари билан, яъни нол, эквиполент ва хусусий оппозицияда бўлган қисмлари билан киришиши зарур. Агар тўпламлар орасидаги муносабатлар тўрт турдаги оппозицияга тўғри келса, тўплам элементлари орасида оппозиция фақат ноль ва дизъюнктив турда бўлади.

Турли элементларнинг хусусий кўриниши бир-бирини инкор қилиб келувчи қарама-қарши элементлар саналади: жарангли - жарангсиз. Бу муносабатни антонимик оппозиция дейилади. Шундай қилиб, дизъюнктив муносабатлар ичида доимий дизъюнктив муносабатларни ҳамда муайян бир шароитда юзага чиқувчи антонимик муносабатларни фарқлаш лозим. Антонимик муносабатлар фақат приватив оппозиция бўлсагина кўринади.

Тўплам элементларни санаш орқали (булбул, кумри, тўти - қушлар тўплами) ёки тўпламни номлаш билан (сайроқи қушлар тўплами) берилади. Тўплам элементлари орасида шундайлари борки, уларни тўпламнинг номи

билан аташ мумкин: булбул - сайроқи қуш. Изоҳли луғатларда сўзни таърифлаш, изоҳлаш мақсадида тўплам номларидан маълум даражада фойдаланиш кузатилади. Масалан:

БУЛБУЛ - чумчуқсимонлар туркумининг қораялоқлар оиласига мансуб сайроқи қуш.

ҚУМРИ - каптарлар оиласига мансуб, қафасда ҳам урчийдиган сайроқи қуш.

Бироқ тўплам номини ҳар бир элементга нисбатан доим ҳам ишлатиш тўғри бўлавермайди.

Агар икки тўплам хусусий оппозицияда бўлса, уларнинг элементлари ҳосил қилган оппозиция орасида, албатта, антонимик оппозиция мавжуд бўлади, аммо аксинча бўлиши мумкин эмас.

Бундан қуйидагича хулосалар келиб чиқади:

антонимик муносабатлар тобе, иккиламчи муносабатлардир. Улар икки тўпламнинг хусусий оппозиция шароитидагина пайдо бўлади. Майдондаги антонимик муносабатлар табиатига кўра лексик антонимларга қараганда, контрар мантикий муносабатларга яқин бўлса-да, уларнинг асосида барибир умумлексик антонимия ётади;

антонимик оппозиция тушунчаси антонимияга нисбатан кенгрокдир: масалан, умуммиллий тилда қўл ва кўз антоним саналмайди, мазмуний майдонда улар антоним бўлиши кузатилади. Масалан, кўз - қўрқоқ, қўл – ботир...

Майдон борасида сўз кетганда, антонимик бирликлар тўғрисида ҳам алоҳида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир. Антонимик гуруҳлар, икки қисмдан ташкил топиб, уларнинг аъзолари, доминантолари бир-бирига маънонинг маълум компонентлари билан қарама-қарши қўйилади: катта-кичик.

I.2.Ўзбек тилининг семантик майдонлари

Кейинги йилларда анъанавий лексик семантика билан бир қаторда янги йўналишлар ҳам ривожланмоқда. Булар қаторига структур семантика, генератив семантика, концептуал семантика, коммуникатив семантика, психолингвистик семантика кабиларни киритиш мумкин. Анъанавий семантика асосан алоҳида сўз ёки гуруҳларининг ишлатилиши ва ривожланиш босқичларидаги маъноларини ўрганса, структур семантика (у М.М.Покровский, Ф.де Соссюр, Л.Елрмслев, И.Трир, В.Порциг, Л.Вайсгербер, Л.Тенрер ва уларнинг издошлари томонидан ишлаб чиқилди) ўз олдига лисоний маънолар, лексик-семантик парадигма ва бошқа турдаги семантик майдонларнинг систем алоқаларини ўрганишни мақсад қилиб кўяди. Жаҳон тилшунослигида структур семантика формализм ва релятивизмдан халос бўлиб, систем тилшуносликнинг муҳим қисмларидан бири сифатида қаралувчи систем семантикага айланиб қолмоқда. Коммуникатив семантика эса нутқий жараёнларни ўрганиш билан характерланади, чунки лисоний (систем) ва лисоний бўлмаган маънолардан ифода (кенг маънодаги дискурс ва матн) ларнинг аниқ мазмуни келиб чиқади.

Тил (мазмуний) мундарижасини майдон методи билан ўрганиш энг самарали ва қулай методлардан бири бўлиб қолди. Майдонларни лексик-семантик (ЛСМ) ва функционал-семантик майдонларга (ФСМ) ажратишда оппозитив, компонент таҳлил ҳамда матний (контекстологик) таҳлил методлари ўзига хос ёрдам беради.

Кўпчилик лингвистлар томонидан тил (нутқ) бирликларининг лексик-семантик жиҳатдан бир-бири билан боғланган эканлиги қайд этилган. Хусусан, Ф.де Соссюр лисоний бирликлар ўртасидаги бир неча муносабат турларини кўрсатган бўлса, М.Покровский сўзлар бир-бири билан онгимиздан ташқарида маъноларининг маълум томонлари билан алоқадорлигини таъкидлаганди. Унингча, ҳар қандай тилда сўзларнинг ўзига

хос бўлган семантик гуруҳлари бўлиб, уларнинг хусусий белгилари бошқа тиллар билан қиёсан очилади. Аммо М.Покровский томонидан қўйилган муаммо грамматик планда ўрганилди. Ана шу йўлдан бориб В.Виноградов сўзларнинг лексик маънолари турларига "предикатив" маъноларни ҳамда грамматикадаги айрим категорияларни қўшди.

А.Р.Лурия ҳар бир сўз муносабатларининг бутун бир мураккаб тизимини юзага келтиришни қайд этади. Унинг фикрича, сўз бутун семантик тўрнинг (сетканинг) маркази бўлиб, сўз структурасининг муҳим психологик аспекти бўлган муайян семантик майдонни фаоллаштиради.

Ғарбий Европа тилшунослигида Й.Трирнинг мазмуний майдон назарияси сўзларнинг лексик-семантик алоқалари ҳақидаги қарашларда муҳим ўрин тутди.

Сўзларнинг лексик-семантик гуруҳлари ўз ичига икки ёки ундан ортиқ сўзларни уларни лексик маънолари бўйича бирлаштиради.

Тил ҳодисаси сифатида сўзларнинг лексик-семантик гуруҳларига аниқлик киритиш учун унга яқин бошқа категориялардан фарқловчи чегарани белгилаш керак. Аввало, сўзларнинг луғат таркибини мавзуй таснифлаш билан сўзларнинг лексик-семантик гуруҳи уртасидаги чегарани аниқлаш лозим.

Мавзуй луғатлар тузиш фақат методик жиҳатдан аҳамиятга эга эмас. Мавзуй луғатлар тузишда сўзларнинг ўзаро боғловчи алоқалари - яқинликларига эътибор қаратмай, сўзнинг ички лексик маъноларига ҳам эътибор қилиш зарур.

Мавзуй гуруҳ луғатлари баъзан маълум соҳа лексикасига мувофиқ келиб қолиши табиий. Маълум ЛСГ мавзуй гуруҳларга таққосланса, улар ўртасидаги фарқлар кўринади. ЛСГ таркибидаги бирликлар ҳар доим ҳам мавзуй жиҳатдан битта гуруҳга бирлашавермайди. Бошқача қилиб айтганда, мавзуй гуруҳ бирликлари борлиқни мазмуний жиҳатдан бир хил ифодалаш

билан бирлаштирмайди, бироқ мавзуий гуруҳ таркибидаги бирликлар мазмуний алоқаларни ҳам кўрсатиши мумкин:

Кўлсиз, оёқсиз эшик очар.

Кўз - кулоқ бўлиб тур ва бошқалар...

Бу гуруҳларнинг умумийлиги уларнинг ўрганилган объектив борлиқни акс эттиришидир. Лексик-семантик гуруҳлар ҳам аслида қандайдир "мавзу"сига эга бўлади. ЛСГ тилнинг ривожланиш қонуниятлари асосида келиб чиқса, мавзуий гуруҳлар халқ билимларининг, қарашларининг натижаси демакдир.

Мавзуий гуруҳлар ичида сўзлар ўртасидаги муносабатлар фақат тушунчалар ўртасидаги ташқи муносабатлар асосида қурилади. Бунда турлича тарздаги таснифлаш натижасида сўзлар маъносига таъсир қилмайдиган даражада бир-бирлари билан қўшилиш ва ажралишлари мумкин. ЛСГ ларда тилнинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ бўлган тилнинг ички ходисалари (жумладан, сўзларнинг синонимик қаторлари) кузатилади. Сўзлар ўртасидаги мазмуний муносабатни антонимлар орқали ҳам кўриш мумкин, антонимлар доимо бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайди.

Синонимик ва антонимик муносабатлар у ёки бу ЛСГ сўзлари ўртасидаги мазмуний алоқаларнинг икки энг муҳим турлари саналади, яъни зидловчи ва бирлаштирувчи белгилар синонимик ва антонимик муносабатларда кўринади.

Мазмуний майдон тўғрисидаги турли йўналиш ва тадқиқотчилар орасидаги хилма-хилликларга қарамай, лингвистлар томонидан бир хил белгиланган бир неча назарий масалаларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

1) тил луғат таркиби бирликларнинг тартибсиз (хаотик) йиғиндисидан иборат эмас, у сўзларнинг семантик умумийлиги асосида бирлашувчи бир қанча мазмуний майдонларга бўлинади;

2) ҳар бир мазмуний майдон фақат майдонлар мантикий томондан, яъни, тушунчавий асосда қурилмоқда, шунинг учун семантика ва бошқа лингвистик соҳалар ўртасида ажралиш бўлиб қолмоқда. Аслида мазмуний майдонлар лингвистик асосга қурилиши зарур.

Профессор Э.Бегматов лексикада системалилик хусусида фикр юритиб, тилшуносликда тилнинг луғавий бойлигини ҳам муайян система сифатида тасаввур қилиш ва илмий таснифлашлари сифатида қуйидагиларни келтиради:

- 1) сўзларни сўз туркумларига ажратиш усули, яъни сўз туркумлари системаси;
- 2) сўзларни ясалиш моделларига кўра тасниф қилиш усули, яъни сўз яшаш усуллари ;
- 3) сўзларни функционал-стилистик гуруҳларга ажратиш усули, яъни сўзларнинг стилистик-дифференциал гуруҳлари;
- 4) сўзларни маълум мавзу гуруҳларига ажратиш усули, яъни сўзларнинг мавзу гуруҳлари ва бошқалар.

Мазмуний майдон доирасига бир сўз туркумига хос бўлган сўзларнинг семантик гуруҳини ҳам, турли сўз туркумларининг бир-бири билан мазмуний муносабатда бўлган сўзлар гуруҳини ҳам лексик-грамматик (функционал-семантик) майдонларни ҳам, трансформацион муносабатлар билан боғланган синтактик конструкцияларнинг парадигмаларини ҳам мазмуний-синтактик синтагмаларнинг маълум турлари ҳам киритилади. Улар орасида жиддий фарқлар бўлишига қарамай, уларни у ёки бу мазмуний категорияларга асосланиши билан умумлаштириш мумкин. Бироқ сўзларнинг мазмуний синфлари ва мазмуний майдонларни бир-биридан фарқлаш мақсадга мувофиқдир.

"Бир сўз туркумига хос сўзларнинг мазмуний синфлари бу, аъзолари умумий маъно (инвариант маъно-идентификатор) билан боғланган маълум

даражада мураккаб гуруҳлардан иборат бўлган парадигматик турдаги лексик майдонлардир".

Уларга сўзларнинг синонимик ва антонимик бирлашмалари, лексик семантик гуруҳлар киради. Аъзолари доимий (регуляр) оппозициялари билан боғланган сўзларнинг семантик синфларини "мазмуний парадигмалар" деб аташ ҳам учрайди. Унда маълум парадигматик майдонларнинг турли микромайдонлари эътиборга олинади.

Лексик-семантик парадигмаларнинг тузилишини, асосан, бинар оппозициялар - икки томонлама зидланишлар шакллантиради. Аммо борлиқ ходисаларининг кўп томонли алоқалари билан боғлиқ бўлган кўп аъзоли зидланишлар ҳам бўлиши мумкин: масалан, ранг ифодаловчи сўзлар фақат иккитаси (оқ ва қора) эмас, деярли ҳаммаси зидланиши мумкин: яшил, сариқ, кўк, қизил... .

Парадигматик тузилиш характериға сўзларнинг барча лексик гуруҳлари, атамалар тизими, ҳатто мавзуй гуруҳлар ҳам эға. Бироқ уларнинг системалилигига хос ифодаланиш даражаси, яъни системалилик асосида ётувчи қарама-қаршиликларнинг доимийлик даражаси бир хил эмас. Бу фарқлар кўп жиҳатдан экстралингвистик омиллар билан боғлиқ. Экстралингвистик омиллар маълум даражада сўзларнинг синонимик қаторлари структураси, кўпроқ мавзуй қаторлар билан боғлиқ бўлади.

Мазмуний майдоннинг мантиқий тузилиши

Маълумки, мазмуний майдонда сўзлар барча маъноларининг йиғиндиси билан бир бутун сифатида ички муносабат ва алоқаларға кирмай, балки алоҳида маънолари билан муносабатға киришади. Маъноға сўзларнинг дифференциал-мазмуний белгилари ёки таркибий қисмларнинг тўплами сифатида қараш мумкин. Ю.Н.Караулов ҳар қандай икки тўплам бир-бири билан қуйидагича муносабат (хусусан, оппозиция) ларда бўлишини таъкидлайди:

1) нолр зидланиш тўпламлар ўртасидаги тенг муносабат бўлиб, бундай тўпламлар элементлари яъни таққосланаётган сўзлар маъноларининг асосий қисмлари бир хил бўлади, бу иккита оппозицияларнинг лексик жиҳатдан тушунилиши синоним ва синонимик ифодаalar бўлади. Уларнинг асосий қисмлари ўхшаш, улар маъно нозикликлари билан фарқланади;

2) приватив оппозиция ёки қатъий киришиш муносабатлари-бундай муносабатларда тур ва жинс номлари бўлади баъзан бу муносабатларни гипонимия деб ҳам атайдилар. Бунда икки ҳолат кузатилиши мумкин:

а) маълум тўпламнинг нисбийлиги (хусусийлигини), яъни тўпламнинг ўзидан юқори бўлган тўплам таркибига кириши кўрсатилади (фил-ҳайвон-жонли мавжудот);

б) маълум тўплам таркибида иккинчи тўплам (ёки унинг бирлиги) муайян ном сифатида кўринади. Вайсгербер бу хусусий муносабатларни белгилаш учун тур-жинс мантиқий тушунчалари билан боғлиқ бўлмаган терминологияни қўллайди: масалан, лола, атиргул, сафсаргул, гулга нисбатан гипонимдош (согипоним) дир, гул эса уларга нисбатан суперордината саналади;

3) эквиполент оппозиция - бунда икки тўплам бир-бири билан кесишади, уларнинг кесишишида иккала тўпламнинг умумий қисми ҳосил бўлади. Таққосланаётган маъноларнинг бир хил ҳамда турлича таркибий қисмлари мавжуд, улар бир сўз туркуми (юқоридаги каби), турли туркумлар, шунингдек, кўп маъноли сўзларнинг алоҳида маънолари доирасида бўлиши мумкин;

4) дизъюнктив оппозиция - бунда тўпламларнинг умумий элементлари мавжуд бўлмайди: бемор - сандиқ.

Лексикада антонимлар истисносиз дизъюнкция муносабатида бўлса (ёруғлик - демак, қоронғилик эмас), мазмуний майдондаги муносабатларнинг

вазифасидан бири истисносиз дизъюнкцияни истисноли дизъюнкцияга айлантиришдан иборат бўлади.

Бу жараён қарама-қаршиликнинг чегарасини белгилаш билан юзага келади. Масалан, ёруғлик қоронғиликни инкор этса, қўл ва оёқ бир вақтда мавжуд бўлиши мумкин. Аммо тана суперордината берилган бўлиб, унинг аъзолари (бош, қўл, оёқ, бел...) майдон ташкил этганда улар бир-бирига маълум даражада зидланиши кузатилади.

Майдонда антонимлар ҳам умумлексик антонимлар сингари бир-бирини оддийгина тарзда инкор этмайди, бунинг учун таққословчи қандайдир асос бўлиши билан бирга, маълум умумийлик ҳам эътиборга олинади. Майдонда бу умумийлик ядрога нисбатан тур номи (суперордината) бўлиши керак.

Синонимик гуруҳ - бу, одатда, мураккаброқ лексик-семантик парадигматик майдон таркибига кирувчи сўзлар ва ўз вазифалари билан уларга муқобил фразеологизмларнинг минимал - яъни кичик парадигмасидир. Синонимларни аниқлашда семантик мезон (критерия) лардан келиб чиқилса, айнан бир маънони англатувчи тил бирликлари эътиборга олинади. Бу ҳодиса Ю.Д.Апресяннинг ишларида омосемант ва парасемантлар сифатида ифодаланади.

Синонимларни омосемантлар тарзида тушунилганда, ифоданинг фақат тилдаги сўз маъносини акс эттирувчи ёки реляцион категория сифатида тушуниш, синонимларни парасемантлар (яъни, квазисиноним-лар) сифатида тушунилганда, уларнинг мазмуний яқинлиги даражаси муҳим масала бўлиб қолади.

Синонимларни парасемантлар тарзида тушуниш айрим вазиятларда бир хил маънони англатувчи сўзларни бир-бирига алмаштириш имконини беради. Бу талқинда синонимик гуруҳлар бошқа мазмуний гуруҳлардан (ЛСГ,

антонимик, гипонимик гуруҳлардан) ажратилмайди, яъни уларнинг чегарасини аниқлаш мураккаблашади.

Д.Н.Шмелев лексик синонимларга позицион мазмуний фарқлари нейтрализацияга учраши мумкин бўлган маънолари яқин сўзларни киритишни таклиф этади.

Гарчи бу жуда ҳам муҳим мезон бўлса-да, у тил ва нутқий синонимларни ажратишда хизмат қилмайди. Бу жиҳатдан Л.А.Новиковнинг фикрлари эътиборлидир. У синонимларни симметрик гипонимия сифатида икки томонлама импликация термини билан тушунтиради, яъни:

- 1) эквивалент ҳолатлар: тилшунослик - лингвистика (симметрик ифода);
- 2) бир томонлама импликация: гул - атиргул (симметрик гипонимия).

Л.М.Василревнинг талқинича, парасемантлар деб маънонинг тушунчавий қисмлари билан мос келувчи, аммо унинг коннотатив қисмларидан ажралиб турувчи тилнинг лексик бирликларини тушуниш зарур.

Бизнингча, синонимларни парасемантлар сифатида тушуниш ҳозирги жаҳон тилшунослигидаги ҳал этилиши зарур масалалардан бўлиши керак, унда бирликларнинг маъновий яқинлиги даражаси жиддий эътиборга олинади.

Майдон борасида сўз кетганда, антонимик бирликлар тўғрисида ҳам алоҳида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир. Антонимик гуруҳлар, икки қисмдан ташкил топиб, уларнинг аъзолари, доминантолари бир-бирига маънонинг маълум компонентлари билан қарама-қарши қўйилади: катта-кичик.

Илмий адабиётларда антонимик бирликлар қарама-қаршилигининг уч хил тури кўрсатилади:

- а) энг четдаги бирликлар карама-қарши қўйилади: тўпلامдаги бошқа бирликлар улар орасига тушиши мумкин, улар контрар антонимлар дейилади. Масалан: ёш (ўрта ёш) кекса;
- б) унда тур тушунчасини белгиловчи сўзлар бўлмаслиги билан характерланади: бирга - алоҳида. Уларни комплементар антонимлар дейилади;
- в) турли йўналишдаги фаолият, ҳаракат, ҳолатлар ифодаланади: келмоқ - кетмоқ, улар вектор антонимлар ҳисобланади.

Майдон элементларининг муносабатларини чуқурроқ ёритиш унинг тушунчавий аспектини текшириб чиқишни тақозо этади. Мантиқда тушунчалар таққосланадиган, яъни таркибида умумий элементлари бўладиган ва таққосланмайдиган, яъни умумий элементлари бўлмаган тушунчаларга бўлинади. Биламизки, алоҳида олинган сўзнинг маъноси ифодаланмиш (денотат - реал борлиққа хос предмет ёки ҳодиса) нинг ифодаловчи (десигнат - онгда предметнинг акс этиши ёки предмет ҳақидаги тушунча) билан алоқаси, муносабати орқали белгиланади.

Алоҳида олинган сўз ифодаланмиш (денотат) ни кўрсатади ва ифодаловчи (десигнат) ни акс эттиради. Сўз билан ифодаланган ифодаланмиш (денотат) ҳам маълум бир предметлар соҳасига мансуб бўлиб, бир қатор муносабатларга киришади. Ифодаланмишлар синфини кенгайган ифодаланмиш (метаденотат) деб номланади, бунда кенгайган ифодаланмиш мавзуга, мавзу синфларига мос келади. Ўз навбатида, ифодаловчи (десигнат) ҳам фақат ўзи учун хос бўлган бир қатор муносабатларга, алоқаларга

Тилнинг мазмуний планга эга бўлган юқори сатҳ бирликларини мазмуний майдонларга бўлиб ўрганиш ҳозирги кунда алоҳида йўналишни ташкил этади ҳамда у ўзининг текшириш методи ва методологиясига эга. Сўзларни туркумларга ажратиш муаммоси антик даврдан буён мавжуд бўлса, семантик майдон тушунчаси нисбатан анча янгидир. У системавий

(структур) тилшунослик маҳсули бўлиб 19-аср ўрталарида лексик семантик системани қуришга бошқача ёндашув натижасида вужудга келди.

Лексик-семантик система нима, у қандай элементлардан ташкил топади, унда қандай муносабатлар етакчилик қилади, деган саволларга тилшунослар турлича жавоб берадилар ва ана шу жавобга кўра тилшуносликда турли йўналишлар шаклланган. Мазкур йўналишлар ўртасидаги энг муҳим фарқ сўзнинг мустақиллигини эътироф этиш – этмаслик билан белгиланади.

Сўз тилнинг асосий бирлиги эканлигини эътироф этувчи тилшунослар шу сўзнинг семик таркиби, полисемия муаммоси асосида лексик-семантик системани қурадилар. Натижада, лексик-семантик вариантлар системаси ҳосил қилинади. Сўз мустақиллигини инкор қилувчи тилшунослар системанинг асосий “қурилиш блоки” сифатида семантик майдонларни эътироф қиладилар.

Кўринади, ҳар икки йўналиш системавий тилшуносликнинг маҳсули саналади. Биринчи йўналиш структур семантиканинг ривожланиши, иккинчи йўналиш эса тил структурасини сўзловчи шахс билан боғлаб ўрганиш, лингвистик тадқиқот парадигмасига “сўзловчи шахс”ни киритиш натижасида майдонга келди.

Нутқий жараёнда сўзловчи шахсга эътиборнинг тортилиши тилшунослик тарихида катта воқеа бўлди. Чунки структур тилшунослик белгининг белги билан муносабатини ўрганишга асосий эътиборни қаратганлиги натижасида белгининг объект ва субъект билан муносабати масаласи тилни соф “шакл” сифатида талқин қилувчи структуралистлар назаридан анча четда қолган эди. Тилшуносликдаги худди шу чекланган томонни тўлдириш ҳаракати туфайли прагмалингвистика, неолингвистика, антрополингвистика номи билан юритилаётган тилшуносликнинг янги йўналишлари пайдо бўлди.

Дарҳақиқат, ҳеч бир тилни “тил эгаси” дан ажратган ҳолда тўғри ва тўлиқ ўрганиш мумкин эмас. Зеро, ҳар бир нутқ актида сўзловчи шахснинг изи сезилиб туради. Нутқий жараёнда коммуникантларнинг тил ҳақидаги билимлари уларнинг бир-бирларини тўғри ва аниқ тушунишлари учун ёрдам беради. Буюк немис олими В. Гумьболдтнинг “тушунишлик” ва “тушунмаслик” антиномияси ҳам айтишга шундай жараёни ифодалаш учун қўлланилган эди.

Сўзлашувчиларнинг тил билими деганда, нафақат уларнинг тил кодларидан тўғри фойдаланиш кўникмаси, балки тил кодларини борлиқ билан боғлаш кўникмаси ҳам тушунилади. Иккинчи кўникма сўнгги даврларда “оламнинг лингвистик манзараси” (ОЛМ) деб номланаётган тушунча билан узвий боғлиқдир. ОЛМ гносеологиянинг таркибий бир қисми саналиб, инсон миёсида олам узвларининг акс этишини намоён қилади. Бошқача айтганда, олам узвлари инсон онгида ўзаро шартланган ва боғлиқ равишда акс этади ва бу акс этган узвлар муайян бир тилнинг кодлари орқали ифодаланади.

Олам узвлари ўзаро боғлиқ равишда инсон онгида гуруҳ-гуруҳ сифатида акс этар экан, унинг кодлари ҳам ана шундай хусусият касб этади.

Кодлар ўртасидаги ана шундай ассоциатив муносабат лингвистик бирликларни маълум мазмуний майдонларга бирлаштиришга асос бўлади. Масалан, инсон мазмуний майдони унинг характери, интеллектуал қобилияти, турмуш тарзи, маданияти, ҳулки сингари қатор белгиларини номловчи лингвистик бирликларни ўз ичига олади. Хусусан, эмакламоқ, куйламоқ, кулмоқ, гапирмоқ сингари феъллар ; ақлли, доно, билағон, маданиятли, бой, камбағал сингари сифатлар “инсон” архисемаси асосида бир мазмуний майдонни ташкил қилади. Бир мазмуний майдон таркибига кирган барча узвларда “инсон” семаси такрорланади. Мазкур такрорланувчи сема бу аъзоларнинг барчаси учун бирлаштирувчи сема-архисема вазифасини

базаради.Бир мазмуний майдон таркибидан парчаланувчи кичик майдонлар билан катта майдон ўрт асида шажаравий боғлиқлик мавжуд бўлади.Ана шу боғланиш уларни бир мазмуний майдон остида бирлаштириб туради.

Шундай қилиб, ҳозирги тилшуносликда лексик-семантик система тушунчаси кенг тарқалган бўлса ҳам, лекин бу системани тузиш усули бир хил эмас.Лексик-семантик системани тузиш усулларида бири семантик майдонларга ажратиш усули саналади.Лексик-семантик майдон тушунчаси билан сўз туркумлари тушунчаси тамомила бошқа-бошқа тушунчалар бўлиб, улар турлича тамойиллар асосида гуруҳланади.

Тилшуносликда майдон йўналишига бағишланган адабиётлар кўпайиб бораётган бўлса-да,айрим муаллифлар майдонга хос деб ҳисобловчи ишларини нима учун майдонга хос эканлигини кўрсатиб бермайдилар.Натижада,тилшуносликдаги баъзи қарашларга “майдон” атамасининг нотўғри дейилишига йўл очмоқда.Семантик майдонларнинг баҳоланишида энг кўп тарқалган усуллардан бири А.Р.Луриянинг фикрича, ассоциялар усулидир.Ассоциатив тажрибанинг моҳияти шундан иборатки, текшириладиган одамга маълум бир сўз берилади ва унга ҳаёлига келган сўз орқали жавоб бериш тавсия этилади.Бундай ассоциатив тарздаги жавоблар ҳеч қачон тасодифий бўлмайди.Улар “ички” ва “ташқи” ассоциатив алоқаларда юзага келган икки катта гуруҳга ажратиш мумкин.

Ташқи ассоциатив алоқали жавобларга яқинлик бўйича, ички ассоциатив алоқаларга ўхшашлик ва қарама-қаршилик бўйича жавоблар киритилади.Масалан, уй-том, ит-дум, ит-хайвон, стул-мебел каби.

Кўринадиги, бундай сўзлар маълум категорияларга ажратилади.Бу текширишларда беихтиёр юзага келувчи сўз алоқалари сенсор, кўргазмали - ҳақиқий ёки категориал онгнинг хусусиятларининг акс эттиради.

Ассоциатив методнинг вариантларидан бири эркин ассоциялар усулидир.Бунда текшириладиган кишига битта сўз берилиб, ўзини назорат

қилмай, хаёлига келган сўзларни айтиш таклиф этилади. Бу усулни З.Фрейд қўллаб, қуйидаги хулосага келган: ассоциялар оқими текширилаётган одамнинг билими вазиятга алоқадор ҳолати, тушунчаси билан боғлиқ бўлади.

Қисқаси, майдон сифатида кўрсатилаётган материалларнинг турли туманлигидан ва айрим тилшунослар томонидан бу тушунчанинг ҳар хил талқин қилинишига қарамай, майдонга хос ёндашувда икки йўналишни ажратиш мумкин: парадигматик ва синтагматик ёндашув. Булар энг кенг тарқалган ёндашув саналади.

Г.С.Шчурнинг курсатишича, тилшуносликда «майдон» компоненти иштирок этган ва оммалашган ифодалар сифатида қуйидагиларни курсатиш мумкин: функционал-семантик майдон, морфем майдон, фонем майдон, суз ясовчилар майдони, лексик майдон, мазмуний майдон, микро ва макро майдон, нисбийлик майдони, вақт майдони, сон макромайдони, тасдиқ майдони, инкор майдони, мавжудлик майдони, майл майдони, шахс майдони, лексик-грамматик майдон, трансформацион майдон, мутлақ (реляцион) майдон, фаолият майдони, ҳолат майдони ва бошқалар.

Маълумки, мазмуний майдон тушунчаси Г.Ипсеннинг иши нашр этилгач, анча кенг тарқалди. Г.Ипсен майдон деб умумий маъноли сўзларнинг йиғиндисини кўрсатган эди. Бироқ И.Трирнинг фикрича, майдонга хос ёндашув В.Гумбольдт ва Г.Остгофга бориб тарқалади.

И.Трир аввало, лексик ва тушунчавий майдонларни бир-биридан фарқлади. У концепциясининг танқидчиларига берган жавобларида ёндашувнинг умумфалсафий ва умумлингвистик жиҳатлари билан эмас, балки соф амалий мулоҳазалардан келиб чиққанини билдиради. Уни дастлаб умумлексикадан алоҳида сўзлар гуруҳини ажратиш мезонлари қизиқтиради. Бундан мезон эса, унинг фикрича, берилган сўзлар гуруҳидаги умумий маънонинг мавжуд бўлиши саналади. Бироқ бу сўзлар бошқа маънолари билан ўзга гуруҳга кирганлиги сабабли, “умумий тушунча”

ифодаси афзалроқ кўринади. Чунки бу билан берилган лексемалар йиғиндиси ёки иккинчисидан фарқлаш мумкин. И. Трир сўз ва унинг хусусиятлари унинг системада, майдонда тутган ўрни билан белгиланади деб ҳисоблайди.

Лексикадаги парадигматик майдон ёндашувида икки хусусият яққол кўзга ташланади:

- 1) бундай ёндашувда лексемалар гуруҳи текширилади;
- 2) ушбу гуруҳ элементларидаги умумий семантик белгилар мавжудлиги кузатилади.

Ҳозирги даврда майдон назарияси қатор жаҳон тилшуносларининг тадқиқотларида грамматикага хос масалаларни ёритишда муҳим ўрин тутмоқда. Грамматикадаги майдон тушунчаси кўпроқ морфологик сатҳдаги грамматик категорияларни уларга функционал-семантик жиҳатдан яқин бўлган тилнинг бошқа сатҳлари воситасидаги алоқанинг текширилиши давомида қўлланилади.

Жумладан, В.Г. Адмони ўзининг бир қатор ишларида гап бўлакларининг майдонга хос табиатини очиқ берган.

Грамматик майдонни М.М. Гухман томонидан илгари сурилган парадигматик бўлмаган бирликларнинг парадигматик системалар билан ўзига хос муносабати билан фарқланадиган грамматик моделлаштиришнинг алоҳида тузилиш бирлиги сифатида тушуниш ўзига хос аҳамиятга эга.

Майдон ядросини морфологик сатҳдаги муайян грамматик категориялар ҳосил қилувчи сўз шакллари системаси ташкил қилади. Чегара қисми шу грамматик категория билан функционал жиҳатдан маълум тартибда бўлиб, аммо камроқ шаклланган тузилмаларни намоён қилувчи турли хил бирликлардан ҳосил бўлади. Майдоннинг марказий (ядро) ва чегара (периферик) соҳаларга ажратилиши майдон ядросини ташкил қилувчи тил бирликлари, яъни сўз ўзгартувчи парадигмалар ролининг муҳимлигини намоён қилади. Фақат ядровий соҳа структураси бўлгандагина, иккиламчи

тартибдаги бирликлар майдоннинг чегарасини юзага чиқариши мумкин. Синтактик сатҳ доирасида майдоннинг юзага чиқишида сўз ўзгартувчиларнинг роли шунчалар юқорики, уларсиз грамматик майдонни ҳосил қилиш умуман мумкин эмас.

Синтактик майдон билан дастлаб В.Порцигнинг тадқиқотлари юзага келган бўлса-да, у лексемалар ўртасидаги синтагматик муносабатларни ушбу атама остида беради. В.Порциг сўз бирикмалари ва бошқа таркибий қисмларнинг мазмуний мослиги ифодаланиб турган синтактик бутунликларни белгилайди ва бир вақтнинг ўзида субъект билан предикат ва объект ўртасидаги муносабатларнинг ўрганилишини иккинчи даражали ҳисоблайди.

Синтактик сатҳ бирликларига нисбатан майдон тушунчаси ғарбий германиялик тилшунос Л.Вайсгербер ишларида кўринади.

Н.И.Филичева синтактик майдон сифатида объектив реал муносабатларнинг умумлашган инъикосини акс эттирувчи синтактик маънолар яқинлигини, ифодаланаётган синтактик моделлар гуруҳини тушунади. Унингча, муайян структур моделларнинг синтактик майдонга бирлашиши улар ўртасидаги реал мазмуний ва функционал алоқаларнинг бирлиги билан юзага чиқади. Грамматикада синтактик майдон тушунчасининг қўлланиши сунъий равишда тилдан фойдаланувчилар онгида реал мавжуд бўлган синтактик структуралар ўртасидаги алоқаларни алоқаларни моделлаштиришга ҳаракат қилиш билан боғланади.

Синтактик майдонларни ажратиш учун, биринчи навбатда, ифода жиҳатидан ҳар хил бўлган, аммо мазмун планида қисман ёки тўла мос келувчи, яъни умумий инвариант мазмуний хусусиятлари мавжуд бўлган тил воситалари йиғиндиси бўлиши зарур. Шу билан биргаликда, мазмуний инварианлик, вазифавий яқинлик, муайян синтактик соҳада функционал жиҳатдан биргаликдаги муносабатга олиб келади. Майдон планида

яқинлашувчи синтактик моделлар майдон ҳосил қилиб, тилнинг умумий соҳасига хизмат қилади.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида ҳам синтактик сатҳ доирасида майдонга хос айрим тадқиқотлар юзага кела бошлади. Бироқ ҳали бу сатҳда майдон назариясини махсус ўрганиш муаммоси турибди.

Морфосемантик майдон атамаси, одатда, лексик сатҳ бирликлари, яъни сўзларга нисбатан қўлланилади. Бу атаманинг киритилиши учун асос бўлиб, яъни мазмуний жиҳати умумий бўлган сўзлар гуруҳигина эмас, балки умумий семантика ва морфем таркиби умумий бўлган бирлашмалар ҳам хизмат қилади. Бунда морфем таркиб умумийлиги маълум гуруҳга бирлашган лексик бирликларнинг ўзакларига хос умумийлигида ҳам, уларнинг қўшимчалари умумийлигида ҳам, уларнинг қўшимчалари умумийлигида ҳам намоён бўлиши мумкин. Инвариантлик тамойилига асосан, лексик бирликлар маънолари ва морфемалари умумийлиги бўйича ҳам, дифференциал белгиларнинг умумийлиги ҳам бирлашиши мумкин. Морфосемантик майдонлар лексика учун ҳам, морфология учун ҳам, морфология учун ҳам типик бўлиши кузатилади. Бундай хулоса чиқаришга бир неча яқин тиллар морфологиясида элементлари морфем таркиби ҳамда семантикаси умумий ва улар ўзаро алоқада бўлган гуруҳларни ажратиш мумкинлиги асос бўлади.

Ўзбек тилшунослигида Т.Мирзакулов ўзининг морфем парадигматика борасидаги махсус ишида майдон ва парадигматика ўртасидаги фарқларни очишга ҳаракат қилганлиги маълум. Унинг фикрича, майдон тушунчаси морфемиканинг ёндош сатҳлар билан алоқаси, туташ зоналарнинг хусусиятини парадигматика доирасида ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Т.Мирзакуловнинг таъкидича, “Майдон нуқтаи назаридан ёндашилганганда, у тилнинг бир неча сатҳ ҳодисаларини туташтириб, сатҳлараро фарққа чек қўяди, парадигма эса бир сатҳ доирасида бўлиб, сатҳлараро чегарани сақлайди.”

Трансформацион майдон ёки синтактик парадигмалар бир-бири билан синонимик ва ясалиш муносабатлари билан боғланган аниқ сўз бирикмалари ва гаплар билан ифодаланган мазмуний майдонлардир. Синтактик парадигмалар лексик парадигмалар билан узвий боғланиб, кўпинча ягона парадигматик комплекслар ҳосил қилади ва Порциг майдонини юзага келтиради: хурмоқ-ит, кишнамоқ- от туридаги аниқ мазмундаги синтагмалар воситасида ит хуради, от кишнайди тарзидаги синтагмалар вужудга келади. Уларни айрим адабиётларда синтагматик майдонлар ёки синтагматик микромайдонлар деб юритилади.

Тилшунослигида кейинги бир неча ўн йилликларда “ассоциатив майдон” атамаси кенг тарқалди. Гарчи бу масала Аристотелга бориб тақалса-да XX аср бошларида медиклар ва психологлар бу билан махсус шуғуллана бошлашди. Бу хусусдаги диққатга сазовор тажрибалардан Кент ва А.Розанов томонидан ўтказилган тажрибани кўрсатиш мумкин. Кейинги тадқиқотлар учун улар асос бўлиб хизмат қилмоқда. Тажрибалар асосида текширилувчиларнинг фақат психик ривожланиш даражасигина эмас, балки лингвистик тараққий этганлик даражаси ҳам аниқланмоқда.

Грамматикада майдон “лексик-грамматик майдон” ёки “функционал семантик майдон” (қисқача ФСМ) тарзида юритилади. ФСМ маълум мазмуний категорияларга таянган, вазифалари умумийлиги билан ўзаро муносабатда бўлган тилнинг турли сатҳларига хос воситалар системаси ҳисобланади.

ФСМлар асосида турли хил тил воситаларини бирлаштирувчи ва уларнинг ўзаро муносабатларини юзага чиқарувчи мазмуний инвариант-мазмуний категориялар ётади. А.В.Бондарко барча ФСМларнинг асоси объектив борликдаги у ёки бу муносабатларнинг киши онгида маълум мазмуний категориялар кўринишида акс этиши эканлигини таъкидлайди.

А.В.Бондарко ФСМларнинг ушбу тўрт гуруҳини ажратади:

- 1) предикатив ядроли ФСМ (аспектураллик, модаллик, темпораллик, нисбийлик майдонлари комплекси);
- 2) предметлик (субъект-объект) ядроли ФСМ (субъектлилиқ-объектлилиқ, аниқлик-ноаниқлик майдонлари);
- 3) миқдор-сифат ядроли ФСМ (миқдор, сифат, қиёсийлик, тегишлилик майдонлари);
- 4) ҳолат ядроли ФСМ (боғлиқлик ва локатив майдонлар).

ФСМларда майдонга бирлашиш асоси бўлиб, биринчидан, умумий мазмуний белгининг мавжудлиги, иккинчидан, турли сатҳларга хос воситалар, яъни грамматик ва лексик бирликлар орқали бирлашув ходисасининг юзага чиқишига хизмат қилади.ФСМлар мазмуний қамровдаги бирликларни умумлаштириш билан мазмуний майдонларга яқин турса-да, улар қандайдир шаклий ифода воситаларига алоқадорлиги билан фарқланадики, бундай майдонларда грамматик воситаларнинг умумлашмаси мавжуд.

Функционал-семантик майдонда синонимик алоқалар мавжуд, бироқ у синонимик қаторларда кенгроқ яъни бундай майдон қарама-қарши бўлган маъноларни ҳам ўз ичига олади.

ФСМлар мазмун плани муайян грамматик катигориялар билан ифодаланувчи, ифода плани эса тилнинг сатҳларига хос бўлган воситларнинг катигориялар кўринишида акс этиши демакдир.

Шу кунга қадар ФСМлар модаллик, аспектваллик, замон (темпоралик), нисбат каби катигориялар доирасида тадқиқ этилди. Туркийшуносликда, хусусан, ўзбек тилшунослигида бу масала етарли даражада ўрганилмаган муаммо сифатида ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Ўзбек тили лексикасининг ФСМ сифатида ўрганишда лексикани макромайдон тарзида қаралиб, у турлича микромайдонларга ажратилади: предмет, шахс, замон, макон, ҳолат, ҳаракат, муносабат, нисбат сингари. Микромайдонларга бўлинишнинг асоси фақат бир сўз туркуми доирасида ёки

турлича сўз туркумлари доирасида кузатилиши мумкин. Жумладан, ранг-тус билдирувчи оқ, қора, қизил, яшил, сариқ, пушти лексемалари ФСМ сифатида белги микромайдонига кириб, сифат сўз туркуми тарзида умумий саналса, тиришди, тиришган, тиришиш ҳаракат мазмуний категорияларига мансуб бириликлар ҳаракат микромайдонининг таркибий қисмлари сирасига киради. Бироқ бу сўзлар феъл ва унинг функционал шакллари тарзида фарқланади.

Шунингдек, шахсни номлаш функцияси билан бирлашган шахс микромайдонига мансуб сўзлар ҳам анъанавий қарашлардаги от, сифат сингари турлича туркумлар доирасида кузатилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, бу ўринда тил тараққиёти натижасида бир туркумнинг бошқасига кўчиши ёки отлашиш ҳодисасининг юзага чиқиши эмас, балки ушбу лексемалар вазифасидаги умумийлик, шахсни номлаш хусусияти муҳимдир.

Хуллас, бундай тасниф усулини барча тил сатҳи бирликларига нисбатан қўллаш ўзига хос илмий самара беради.

Ўзбек тилшунослигида ҳам система талқини билан боғлиқ бир қатор қарашлар юзага чиқмоқда. Хусусан, А. Абдувалиев томонидан майдон назарияси бирмунча ёритилган бўлса-да, у фақатгина синтактик сатҳнинг тўсиқсизлик категорияси юзасидан тадқиқ этилган.

Т. Мирзакулов эса функционал-семантик майдонларнинг айрим морфемикага доир хусусиятларига, шунингдек, Х. Ҳожиёва ҳурмат майдони, Ф. Сафаров микдор майдони, Д. Воққосова анемонимлар майдони билан боғлиқ масалаларга тўхталади.

Шундай қилиб, ўзбек тилшунослигида тил бирликларини майдон асосида ўрганиш кенг йўлга қўйилади. Бу усул, бизнинг назаримизда, айниқса, лексикани ўрганишда катта аҳамиятга эга. Ўзбек тили лексикасини макромайдон сифатида қаралгани ҳолда, уни микромайдонларга ажратиш

идеографик, тезаурус луғатлар тузишда катта самара беради.Шунинг учун ҳам лингвистик майдон ва тил луғат таркибини бундай майдонларга ажратишнинг назарий асосларини ўрганиш ҳозирги ўзбек тилшунослиги олдидаги энг долзарб муаммолардан саналади.

Темпораллик микромайдони.Темпораллик мазмуний умумийлиги остида бирлашган бирликлар ҳам тилнинг турли сатҳларида намоён бўлади.Жумладан, морфемик сатҳда “замон”умумий семасига ишора қилувчи сўз ясовчилар орқали темпораллик ифодаланиши мумкин: кузги,қишки ва ш.к.Шунингдек, темпораллик лексемалар воситасида ҳам ифодаланади. Ўзбек тилшунослигида М. Ҳакимованинг Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари номли монографик тадқиқоти мавжуд бўлиб, унда “темпорал семантиканинг ўзбек тили сатҳлари ва уларнинг бирликларида тутган ўрнини белгилаш, хусусан, вақт ифодаловчи лексемаларни и компонент таҳлил этиш” кўзда тутилади.

Вақтни лингвистик асосда ифодалашнинг кенг қамровли муаммолари орасидан семантик категория ва функционал-семантик майдон сифатидаги темпораллик билан боғлиқ масалаларни алоҳида кўриб чиқиш етарлича самара беради.Таъкидлаш керакки, замон категорияси лингвистик манбаларда анча чуқур ўрганилган.

Темпораллик-семантик категория бўлиб, у инсон томонидан сўзловчи нутқи моментида ёки бошқа ҳисоб нуқтасига нисбатан белгиланаётган вазиятлар ва уларнинг элементларини қабул қилиш ҳамда англашни ифодалайди.Шу билан бирга, темпораллик ушбу семантик категорияга асосланган ФСМ бўлиб, у ўзининг шу семантик категориянинг турли вазиятларини ифодалаш учун ишлатилувчи у ёки бу тилнинг грамматик, лексик ҳамда мураккаб воситалар гуруҳини бирлаштиради.

Агар аспектualiк ҳаракатнинг ички замонини, яъни ҳаракатнинг замонда содир бўлиши ва шу орқали намоён бўлишини кўрсатса, темпораллик “ташқи замон” (Бондарко) бўлиб, аниқ характерга эга.

Темпораллик, шунингдек, бошқа ФСМ ларни тадқиқ этишда категориал вазият тушунчасидан фойдаланиш мумкин. У майдонни маълум парадигматик система сифатида боғлаб, унинг элементларини нутқда намоён қилади.

Темпорал вазият – ифоданинг бошқа турли воситалари орқали акс этувчи умумий мазмуний структура бўлиб, у:

- а) темпораллик семантик категориясига асосланади ва тилда ФСМ ҳосил қилади;
- б) ифода орқали берилаётган умумий вазиятни қандайдир ҳолда вақтга боғлиқлигини кўрсатувчи аспект ҳисобланади.

Вақтга нисбатан у ёки бу тарзда муносабатда бўлиш барча тил ифодалари учун хосланади. Бу муносабатлар темпораллик билан объектив модаллик тушунчасини боғлайди. Модаллик темпорал муносабатларнинг юзага келиши учун маълум шароит яратади.

Темпораллик персоналлик билан ҳам узвий боғлиқдир. Сўзловчи шахс ўз фикрини баён этишда муайян вазиятни этиборга олади. Персоналлик билан темпораллик ўзига хос мезонлар нуқтаи назаридан фарқланади. Яъни темпораллик вақтни белгиловчи аниқ мезонларга таяниши мумкин бўлса, персоналликнинг мазмуний мундарижасида йўналиш ҳисобга олинмай, унда шахсга “персонал кўплик” сифатида қаралади. А.В.Бондарко темпорал муносабатларнинг турлича типларини ажратади ва уларни асослаш учун маълум белгиларни ҳисобга олади.

Грамматик сатҳда темпораллик майдонининг ядросини феълнинг ўтган, ҳозирги ва келаси замон шакллари ташкил этади: ўқиди, ўқиган, ўқибди; ўқимоқда. ўқияпти, ўқийди; ўқимоқчи ва бошқалар. Майдоннинг чегара

қисмини яқин чегара ва узоқ чегара сифатида ажратиш мумкин. Яқин чегарага феъл замонларини юзага чиқарувчи аналитик шакллар жойлашади, ўзбек тилида бундай воситалар сирасига тўлиқсиз феъл ёрдамида шаклланган бирликлар (ўқир эди, ўқиган эди), фақатгина нутқ жараёнида реаллашиш имконига эга бўлган сифатдош шакллари (-ган, -ётган сингари), ҳозирги замон шаклини белгиловчи феъл иштирок этмаган конструкциялар (акам-қурувчи, тун сокин типли ифодалар) мансуб бўлади.

Майдоннинг узоқ чегарасини эса равишдош оборотлар таркибидаги равишдош кўрсаткичлари (-гани, -иб, -гач кабилар), маълум вақтга ишора қилувчи лексик кўрсаткичлар (анча, аввал, ҳозир, кеча, бир неча кундан сўнг каби), вақтни белгилашда хизмат қилувчи боғловчи воситалар (қачонки, ҳозирча, шу вақтнинг ўзида тарзида) ташкил этади. И. Расулов “Синтактик замон категорияси ҳам морфологик замон категориясидан фарқ қилиши керак.” Морфологик замон категорияси бир маъноли. Замон формаларининг қўлланиши функцияси эса синтаксисга оиддир. Деярли барча замон формалари нутқда турли замон қўлланиши мумкин”-деб таъкидлайди.

Темпораллик синтактик сатҳда пайт ҳоли позициясига келувчи гап бўлаклари, шунингдек пайт эргаш гапли қўшма гаплар орқали ҳам намоён бўлиши кузатилади.

Қисқаси, темпорал микромайдон таркибига морфемик сатҳдаги замонга ишора қилувчи турлича birlikлардан бошлаб то юқори сатҳ бирлиги сифатида эътироф этилувчи синтактик конструкцияларини ҳам киритиш мумкин.

Локаллик микромайдони. Ўз ифода имкониятлари билан алоҳида аҳамиятга эга бўлган локаллик микромайдони ҳам тил системасида алоҳида ўрин тутади. Шунга кўра, тилнинг турли сатҳларида намоён бўлувчи гетерогенлик хусусиятига эга бўлган локаллик категорияси алоҳида тадқиқот объекти сифатида белгилаб олиниши ва локаллик семасини ифодалашга дахлдор

барча лингвистик бирликлар бир семантик майдонга – локаллик микромайдонига бирлаштириб таҳлил этилиши зарур. Локаллик тилнинг турли сатҳига хос ҳодиса сифатида фонетик, морфемик, грамматик бирликларда намоён бўлади.

Маълумки ҳар қайси сатҳда локаллик категориясини ифодаловчи, шу сема учун хосланган марказий бирликлар билан бирга, локаллик семасини ифодалашда ёрдамчи восита вазифасини бажарувчи чегара бирликлар ҳам мавжуддир. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, ўзбек тилшунослигида ўзбек тилининг локаллашган бирликлари борасида алоҳида фикр юритиш ҳамда тил системасида локал белгига эга бўлмай нутқ жараёнида бошқа бирликлар воситасида локаллашган бирликларни таҳлил этиш ҳам етарлича самара беради.

Локаллик тил тузилишининг фонетик сатҳидан тортиб энг юқори сатҳигача хос бўлган мазмуний категориядир. Ҳар қайси сатҳда бу мазмуний категорияни ифодаловчи, шу сема учун хосланган марказий бирликлар бўлиши билан бирга бу семани ифодалашда ёрдамчи восита вазифасини бажарувчи чегара бирликлар ҳам мавжуддир.

Локаллик семасини ифодалашга даҳлдор барча лингвистик бирликларни бир семантик майдонга – локаллик майдонига бирлаштириш мумкин. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, ўзбек тилшунослигида локалликни алоҳида микромайдон эканлиги, унинг тил мазмуний структурасидаги ўрни борасидаги айрим ишлар майдонга келмоқда.

Локаллик майдонига бирлашган барча лингвистик бирликлар локаллик парадигмасига бирлашувчи лингвистик бирликлардан гетерогенлик белгиси билан фарқ қилади. Ана шу гетерогенлик белгисига қараб локаллик майдонига кирувчи лингвистик бирликларни қуйидаги маъно гуруҳларига тасниф этиш мумкин:

Фонологик сатҳда локаллик товушларнинг пайдо бўлиш (туғилиш) ўрни билан боғлиқ равишда юзага чиқади. Тилнинг юқори сатҳлардан фарқли ҳолда фонологик сатҳда локаллик товушларининг артикуляция ўрни орқали белгиланиши мумкин

Фонологик сатҳдан юқори сатҳ бирликлари учун локаллик муайян сема – “макон” семаси орқали белгиланади. Хусусан, морфемик сатҳда “макон” семасини шакллантирувчи сўз ясовчи морфемалар доирасида кузатилади ва –*лоқ*, –*истон*, –*зор*, –*зоҳ*, типдаги ўрин-жой номларини ҳосил қилувчи морфемалар локалликка ишора қилади. Бундан ташқари, айрим муаллифлар “локал” семали кўмакчиларни ҳам шу қаторга киритиш мумкинлигини кўрсатиб ўтадилар.

Юқоридаги ҳар икки сатҳга тегишли локаллик лингвистик бирликнинг ички тузилишидан ташқарида бўлиб, маълум нисбийлик белгисига эгадир.

Лексик сатҳда локалликнинг ифодалаши бошқа барча сатҳларга нисбатан аниқроқ тарзда кузатилади. Бу сатҳга хос “локал” семали лексемалар – муайян умумий макон, яшаш жойи, ер майдони ва бошқа “макон” белгисига эга бўлган барча бирликлар – ўрин, жой, ер, ҳудуд, ватан, юрт, ўлка, уй, қишлоқ, шаҳар, дала, ўрмон, полиз сингарилар воситасида локаллик микромайдонининг маълум қатлами, айтиш мумкинки, ядроси шаклланади. Локаллик микромайдонининг маркази объектив борлиқдаги локал белгиларни ифодалашга хосланган номинатив бирликларни ўз ичига олади. Локаллик бундай бирликларнинг денотатив маъноси, локал бирликлар эса шундай маъноларнинг номинацияси ҳисобланади.

Грамматик сатҳда локаллик турли сўз туркумлари, хусусан, ўрин-жой отлари, ўринга ишора қилувчи синтактик бирликлар, шу билан бирга, ўрин эргаш гапли қўшма гаплар орқали ифодаланади.

Шарт микромайдони. Персоналлик, локаллик, темпораллик микромайдонлари учун тегишли бўлган реал ифода имкониятлари мавжуд. Шарт, тўсиқсизлик

категориялари учун абстракт ҳолат муҳим бўлиб, уларнинг ифода имкониятларини нутқ жараёнида фақат бошқа бирликлар ёрдамида юзага чиқади.

Ўзбек тилида “шарт” архисемаси асосида муайян майдонни бирлаштирган воситалар ҳақи тилнинг турли сатҳларда мавжуд. Хусусан, морфемик сатҳда шакл ҳосил қилувчи *–са* аффиксал морфемаси; *башарти*, *агар мабодо* морфемалари доирасида “шарт” семаси кузатилади.

Морфологияда айти шу белги остида умумлашган бирликлар сифатида феълнинг шарт майли шакли эътиборга олинади. “Шарт” архисемаси остида бирлашган *–са* шакли ҳаракатнинг бажарилиш шарти, пайт, истак, сабаб, тўсиқсизлик, сингари хусусий белгиларни ифодалайди. Бу белгининг юзага чиқиши нутқ жараёнида амалга ошса-да, *–са* таркибидаги ички имкониятлар синтагматик муносабат учун асос бўлади.

Шунингдек, шарт боғловчилари шарт ва тўсиқсизлик белгиларини англатиб келади.

“Зарурият” маъносини ифодаловчи керак, даркор, зарур, лозим каби модал маъноли сўзлар ҳам “шарт” умумий семаси орқали бирлашади ва ҳар қайсиси ўз ичида маълум белгиларга эга эканлиги билан фарқланади. Бундай хусусий белгиларга “ундаш”, “эҳтиёж”, “истак” сингари фарқловчи семаларни кузатиш мумкин.

Синтактик сатҳда шарт ҳоли позициясида келувчи воситалар маълум ҳаракат ёки ҳолатга боғланиб шарт маъносини ифодалаш учун хизмат қилади:

Йигилишида улгурса қатнашади.

Шунингдек, қўшма гапларда “шарт” семаси билан фарқланувчи турли типдаги бирликлар мавжуд. Улар боғловчисиз қўшма гаплар ҳамда шарт эргаш гапли қўшма гаплар доирасида бўлиб, турли мақсадларни юзага чиқаради:

Қўшининг тинч - сен тинч.

Яхши билан юрсанг етарсан муродга.

Шарт эргаш гаплар билан бош гапларни ўзаро боғлаш учун шарт майли аффикси ҳамда шарт боғловчиларидан ташқари, - *ми*, -*ганда*, -*май*: *бўлмаса*, *йўқса* шакллари ҳам муайян функция бажаради ва қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўртасида шарт муносабатларининг юзага чиқаришини таъминлайди.

I.3.Тафаккур майдони бирликлари

“Тафаккур” архисемали фраземалар парадигмаси таркибидаги *эсига келмоқ* фраземасининг умумий семаси ҳам “ўйламоқ”, “фаҳхламоқ” семалари саналади.Эсига келмоқ фраземаси бу семалари билан ўйламоқ лексемаси билан туташади. “Бирдан”, “тез фурсатда”, “қисқа муддатда” семалари “тафаккур” архисемалари парадигмага мансуб *эсига келмоқ* фраземасининг хусусий семаларини ташкил этади.Эсига келмоқ фраземаси “хотирада бирдан тикланмоқ” семалари орқали *хаёлига келтирмоқ*, *ёдига тушмоқ* бирликлари билан умумий парадигмани ташкил этади:

Шу мунис туришда

Бу кўҳна олам

Севгига зорлигин эслатиб турдинг.

Чақноқ кўзларингга кўзим тушган дам

Юрагим борлигин **эслатиб** турдинг.

(И.Мирзо)

Хаёлига келмоқ фраземаси “ўйламоқ”, “фаҳхламоқ” семаларини ифодалайди.

Масалан:

«Ярамни кўчириб сепаман тузни,

Энг кўримли жойга сурат иламан.

Кун бўйи атайлаб **ўйлайман** сизни

Жонимни оғритиб хузур қиламан.»

(И.Мирзо)

Кўнглидан ўтмоқ фраземасидаги кўнгил лексемаси:

1.Кишининг ҳис-туйғу ва кечинмалари манбаи; юрак,қалб,дил;

Масалан:

«Такдирга тан керак-ку,аммо

Гоҳида ўзимга сиғмайман.

Кўнглимда бир тугун муаммо –

Кўнглингда нима бор—билмайман.»

(И.Мирзо)

2.Феъл- атвор; характер, хулқ маъноларини ифодалайди.

Масалан:

Хонамга настарин бўйи бўйлади,

Сочлари райхоним, сени ўйладим.

Бўйинг тўкилдими олис боғларга?

Кўнглинг кўникдими карға, зоғларга?

(И.Мирзо)

Кўнглидан ўтмоқ фраземаси ҳам тафаккур микромайдонидаги бошқа қатор бирликлар каби “ўйламоқ”. “фаҳмламоқ” умумий семасига эга ва “тафаккур” архисемали пардигма аъзосини ташкил этади. “Маълум бир муддат”, “давомли”, “чуқур”, “асосли” каби хусусий семаларни англатади:

“Не сайёдсан, не жаллодсан, не золимсан!

Тиғида нур ярқираган ҳилолимсан!

Умидимсан, орзуимсан, хаёлимсан...

Ўйлаб, ўйга етолмасам, нима қилай?”

(И.Мирзо)

Бошидан кечмоқ фраземаси “ўйламоқ”, “фаҳхламоқ” семаси билан “тафаккур” архисемали парадигма аъзосини ташкил этади. “Маълум бир муддат”. “давомли” хусусий семаларини англатади.

“Ҳис қилмоқ, “ўз ҳаётида кўрмоқ” семалари орқали бошқа парадигма аъзосини ташкил этади:

Бир куни ой билан тиллаша туриб,
Ҳис қилдим юрагим оғирлигини.
Кўклам селларидек қоним гупуриб,
Англадим яшашим зарурлигини!

(И.Мирзо)

“Тафаккур” архисемаси асосида бир парадигмани ташкил қилувчи феъллар таркибидаги “англамоқ” феъли “онг”, “ақл”, “тушунмоқ” семалари билан ўзи мансуб бўлган парадигма аъзоларидан фарқ қилади.

Янги юриш бошланди,
Сўнгги уруш бошланди –
Эътиқод иймон учун, қалб, **тафаккур, онг** учун!
Қорақўз болаизор – жамиятни асрагил
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!

”Онг”, “ақл”, “тушунмоқ” белгилари “англамоқ” феълнинг хусусий (фарқловчи) белгиси ҳисобланади. Масалан:

“Миллион йилда мени яратди ҳаёт,
Мени сўраб, тоғлар қатор чўкди тиз.
Наҳот **англамайсан**, билмайсан наҳот,
Ахир мен биттаман, ягона, ёлғиз.”

(Иқбол Мирзо).

“Ақл” лексемасининг англамоқ, билмоқ, тушунмоқ, фаҳхламоқ феъллари билан боғлиқ семалари ушбу мисолларда акс этган:

“Мен ҳамма қатори боламан,

Ўзимдан зерикиб қоламан.

Билишим билмайсиз, биламан,

Мендан совияпти кўнглингиз.”

(Иқбол Мирзо).

Боб юзасидан хулоса

1.Бизни қуршаб турган объектив олам системадир. У ўзаро узвий муносабатда бўлган, бир-бирини тақозо этувчи ва зидланувчи элементлар бирлигидан ташкил топган яхлитликдир.

2.Тил борлиқни онг орқали ифодалайди. Демак, онгда акс этган объектив олам тил орқали ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам тил борлиқ билан онг орқали чамбарчас боғлангандир. Тил орқали ифодаланган ифодаланмиш объектив олам элементлари бевосита сезги органларимизга берилган алоҳидаликлар эмас, балки уларнинг умумлашган образларидир. Бу шуни кўрсатадики, объектив олам элементлари онгда умумлаштирилади. Уларнинг умумлашган образларигина лисоний воситалар ёрдамида ифодаланади.

5.Объектив олам оддийдан мураккабга қараб синфларга бирлашувчи ва айни пайтда, бўлақларга бўлиниш хусусиятига эга бўлган мураккаб системадир. Объектив олам онгда акс этиш орқали тилда ўз ифодасини топар экан, демак, тил оддийдан мураккабга қараб синфларга бирлашувчи ва шу билан бирга бўлақларга бўлинувчи мураккаб система ҳисобланади.

6.Тилимизни лексикасини система сифатида ўрганишда лексик birlikларнинг бирлаштирувчи ва фарқловчи семаларини ажратиш, бирлаштирувчи семалари асосида уларни маълум синфларга гуруҳлаш, фарқловчи семалар асосида эса муайян гуруҳга мансуб бўлган лексемаларнинг ўзига хос белгиларини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

7. Майдон таркибига кирган ҳар бир лексеманинг ўзи ҳам муайян

семалардан ташкил топган яхлитлик саналади. Шунинг учун ҳам у семик тузилишидаги қайси семаси бирлаштирувчи сема вазифасини бажаришига кўра бир нечта майдончаларнинг таркибий қисмлари бўлиши мумкин.

8. Ўзбек тили лексикасини система сифатида ўрганиш лисоний бирликларнинг анъанавий тилшуносликда эътибордан четда қолган жиҳатларини ёритишда тадқиқотчи учун катта имконият беради. Лексемаларни бундай усулда ўрганиш уларнинг лексик-мазмуний системадаги ўрнини белгилашга йўл очади.

II БОБ.

ТАФАККУР МИКРОМАЙДОНИНИНГ ГУРУҲЛАНИШИ

Бир парадигмага мансуб бўлган аъзолар умумий белгига эга бўлиши билан бирга ҳар қайсиси бир-биридан фарқ қиладиган хусусий белгиларига ҳам эга бўлади. Хусусий белгиларига эга бўлиши парадигма аъзоларининг ўзаро зидланишига ва алоҳида тил бирлиги сифатида тил системасида яшашига имкон беради. “Тафаккур” архисемали фраземалар ичида ҳам, айнан шу умумий ва хусусий белгилар, зидланишлар ёки маънодошликни кўришимиз мумкин. Бу мисолларда - “тафаккур” микромайдони бирликлари гуруҳланганда ёрқин ифодасини топади. Персоналлик майдони бошқа кичик микромайдонлар билан турли нуқтаи назардан муносабатга киришади. “Тафаккур” семали ифодалар ҳам персоналлик майдонига хос бирликлар билан ўзаро узвий боғланади. Улар ўртасидаги муносабат ассоциатив характердаги муносабат сифатида белгиланиши мумкин.

“Тафаккур” семаси асосида тафаккур, ақл, билим, дид, заковат, зеҳн, идрок, илм, интеллект, мия, мулоҳаза, муҳокама, онг, тамиз, тушунча, тасаввур, уқув, фаросат, фаҳм, фикр, хотира, эс, ўй, истеъдод, иқтидор, қобилият, лаёқат, ҳаёл, талқин, мушоҳада кабилар лексик сатҳ доирасида бир парадигматик системанинг элементларини ташкил этади. Қуйида “тафаккур” архисемаси асосида бирлашган барқарор ифодаларнинг семантик хусусиятлари борасида тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, “тафаккур” архисемали фраземалар “ўйламоқ”, “фаҳмламоқ” семалари асосида бирлашади. Булар сирасига *миясига келмоқ*,

эсига келмоқ, хаёлига келмоқ, хаёлидан ўтмоқ, кўнглидан ўтмоқ, бошидан кечмоқ, хаёл сурмоқ, ўй сурмоқ, хаёлга ботмоқ, хаёлга чўммоқ, ўйга ботмоқ, пинакка кетмоқ каби фраземалар мансуб бўлиб, улар ўзаро “тафаккур” семаси орқали бир парадигмани ташкил этади.

Бир парадигмага мансуб бўлган аъзолар умумий белгига эга бўлиши билан бирга ҳар қайсиси бир-биридан фарқ қиладиган хусусий белгиларига ҳам эга бўлади. Хусусий белгиларига эга бўлиши парадигма аъзоларининг ўзаро зидланишига ва алоҳида тил бирлиги сифатида тил системасида яшашига имкон беради. “Тафаккур” архисемали фраземалар ичида *миясига келмоқ* ифодаси алоҳида ўрин эгаллайди. Миясига келмоқ фраземаси ўз доирасидаги бошқа бирликлар билан “ўйламоқ”, “фаҳхламоқ” семалари воситасида умумий белги ифодалайди. “Тафаккур” архисемаси асосида бир парадигмани ташкил қилувчи фраземалар таркибидаги миясига келмоқ фраземаси “бирдан”, “тез фурсатда”, “қисқа муддат” семалари билан ўзи мансуб бўлган парадигма аъзоларидан фарқ қилади. “Бирдан”, “тез фурсатда”, “қисқа муддатда” белгилари *миясига келмоқ* фраземасининг хусусий белгиси ҳисобланади.

II.1. “Тафаккур” семали отлар

“Тафаккур” семаси асосида бирлашган отлар лексик сатҳ доирасида бир парадигматик системанинг элементларини ташкил этади.

Тафаккур, ақл, билим, дид, заковат, зеҳн, идрок, илм, интеллект, мия, мулоҳаза, онг, мушоҳада каби отлар “тафаккур” архисемали сўзлар сатҳини намоён этади.

Қуйида эса “тафаккур” архисемали отлар ва уларнинг синонимлари берилган:

	Тафаккур	
	Билим	
фикр	Бош	тушунча
илим		ўқув
калла	Бош	мия
	Ақл	

онг	Тафаккур	заковат
-----	----------	---------

дид	мулоҳаза
-----	----------

фаҳм	фаросат	мушоҳада
		талқин

“Тафаккур” семали шахс отлари:

	олим
	мутафаккир
	файласуф
Тафаккур	аллома
	донишманд
	фозил

“Тафаккур” семали сифатлар.

Қуйида тафаккур семали отларнинг сифатловчилари ёки шу отлардан ҳосил бўлган сифатларга мисоллар берилган.

	оқил
	доно
	зукко
Тафаккур	зийрак
	эсли
	тийрак

Тафаккур – мутафаккир, ақл – оқил, билим – доно, дид – фаросат, заковат – закий, зеҳн – зукко, идрок – чуқур, илм – олим, мия – гени, мулоҳаза – баъмани, муҳокама – хакам, онг – ақлли, тушунча – аниқ, тасаввур – кенг, укув – зийрак, фаросат – дидли, фаҳм – тийрак, фикр – дарё, хотира – эсли, эс – эсли- ҳушли, ёд – зийрак, ўй – файласуф, истейдод – нодир, иқтидор – ноёб, қобилият – камёб, лаёқат – фаол, хаёл – фантастик, талқин – ёрқин, мушоҳада – шоҳид

“Тафаккур” семали сифатлар маъно нозиклиги билан фарқ қилсада, ҳар бири ўз антоним жуфтлигига эга.

Масалан:

(тафаккур) теран – саёз, (ақл) оқил – тентак, (билим) доно – нодон, (заковат) закий – калтафаҳм, (зеҳн) зукко – қолоқ, (илм) олим – жоҳил, (мулоҳаза) баъмани – беъмаън, (онг)ақлли – аҳмоқ, (тушунча) аниқ – мавҳум, (тасаввур) кенг – тор, (уқув) зийрак – лоқайд, (ўй) файласуф - “манкурт”, (хаёл) фантастик – реал

«Тафаккур» семали феъллар.

Умуман, “тафаккур” семали барқарор бирликлар тафаккур микромайдони доирасида, бутун тил системасида алоҳида ўрин тутди. От сўз турумига мансуб бўлган ушбу луғавий бирлик гўёки феълнинг маъно турлари системасини ташкил этувчи асос сифатида намоён бўлади. Бу системани тасаввур қилиш учун қуйидаги феълнинг маъно турларига эътибор қилмоқ лозим.

Феъллар қандай ҳаракат – ҳолат ифодалаши жиҳатидан маъновий гуруҳлари:

1. Нутқий фаолият феъллари: гапирмоқ , пичирламоқ , демоқ , сўзламоқ , сўрамоқ , ялинмоқ , ўтинмоқ , ёлвормоқ , вайсамоқ , суруштирмоқ , бақирмоқ, ўшқирмоқ , минғирламоқ , тўнғилламоқ , айтмоқ ...

2. Ақлий фаолият феъллари: ўйламоқ , фикрламоқ , хаёл қилмоқ , тасаввур қилмоқ , ҳукм чиқармоқ , ўйга ботмоқ , кўз олдига келтирмоқ , гавдалантирмоқ , фикр қилмоқ ...

3. Жисмоний фаолият феъллари: чизмоқ , ёзмоқ , ясамоқ , яратмоқ , бино қилмоқ , асос солмоқ , бўямоқ , тозаламоқ , емоқ , артмоқ , сайқал бермоқ , нобуд қилмоқ , ўчирмоқ...

4. Ҳолат феъллари: титрамоқ , жовдирамоқ , севинмоқ , жилмаймоқ ...

Сўзламоқ учун ҳам, гавдалантирмоқ учун ҳам, ясамоқ ёки севинмоқ учун ҳам аввало “тафаккур” қилинади яъни, фикр юритилади. Бу фикр ўз навбатида онгимизда маълум бир тасаввурни ҳосил қилади. Демак, тафаккур ва тасаввур ёндош ходисалар сифатида бир-бирини тақозо этади. Бу

ходисаларни янада ёркинроқ ёритиш учун “тафаккур”га фалсафий жихатдан ёндошамиз.

“Тафаккур” сўзи фикр юритиш, ўйлаш, фикрлаш маъноларини англатади ва у фалсафада объективликнинг тасаввур, тушунча ва муҳокамадаги фаол инъикос жараёни, инсоннинг фикрлаш қобилияти демакдир. Тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари уни тил билан бевосита боғлиқлигидир. Тафаккур нутқда намоён бўлади.

Тафаккур-инсоннинг ақлий фаолиятининг юқори шакли, реал оламни акс эттиришнинг умумлашган ва бевосита усули бўлиб, объектлар орасидаги боғлиқлик, билиш жараёни, янги билимларни очиш, ижодий, муаммоли масалаларни ечишга қаратилган жараёндир. Тафаккур ёрдамида биз предмет орасидаги боғлиқлик ва муносабатларни яна ҳам чуқурроқ англаймиз ва очиб берамиз. Тафаккур биз бевосита кузатмаган нарсаларни билишимизга имкон яратади. У махсус ақлий операция жараёни сифатида намоён бўлади ва бу операция асосида янги фикрлар, тушунчалар, хулосалар пайдо бўлади. Улар қуйидагилардан иборат:

1.Такқослаш. Бу фикрлаш операцияси бўлиб, предмет ва ҳодисалар орасида ўхшашлик ва фарқлар, тенглик ва тенгсизликлар, қарама-қаршиликларни намоён бўлишида кўринади.

2.Анализ(тахлил)-яхлит предметларни қисмларга бўлиш ва уларни алоҳида хусусиятлари ва элементларини ажратиш.

Сакраш ҳақида ўйлар эканмиз ҳаёлан уни биз-югуриш, итарилиш, учиш фазаси, ерга тушиш каби қисларга ажратиб анализ (тахлил) қилимиз.

3.Синтез-анализ (тахлилга) қарама-қарши операция бўлиб, унда анализ жараёнида ажратилган бўлақлар асосида предмет яхлитланади.

Масалан югуриш, итарилиш, учиш фазаси, ерга тушиш каби қисмларнинг яхлитланишида сакраш юзага келади.

4.Мавхумлаштириш-объекдан бирор-бир хусусиятни ақлий ажратишда намоён бўладиган фикрлаш операциясидир.Масалан, досканинг қоралиги, ҳамда ҳаракатланиш ҳақида фикрлаш.

Масалан, ойна қатор хусусиятларга эга шаффоф, қаттиқ , тез синувчи ва х.к.биз эса уни мавхум “шаффоф” хусусиятини ажратамиз ва абстракт фикрлаймиз.

5.Умумлаштириш-ўхшаш, боғлиқ хусусиятларни бир тушунчага жамлаш, яъни бир турдаги предметларни фикран бирлаштириш. Масалан, олма, олхўра, узум, нок-мева: дарахт, гул, ўт-ўсимликлар.Кўриниб турибдики, юқорида берилган синтезлар инсон онгида яхлит бир тасаввурни юзага чиқаради.Унинг элементларини ташкил этади.

Қуйида “тафаккур” архисемаси асосида бирлашган феъллар - барқарор ифодаларнинг семантик хусусиятлари борасида тўхталиб ўтамиз.

“Ўйламоқ”, “фаҳмламоқ” архисемали феъл семалари асосида бирлашган фраземаларга;

ақли кирмоқ, етиб бормоқ, чақиб қолмоқ, етти ўлчаб бир кесмоқ , қатикни ,ҳам пуфлаб ичмоқ, кўзи очилмоқ, оқ – қорани танимоқ, миясига келмоқ, эсига келмоқ, хаёлига келмоқ, хаёлидан ўтмоқ, кўнглидан ўтмоқ, бошидан кечмоқ, хаёл сурмоқ, ўй сурмоқ, хаёлга ботмоқ, хаёлга чўммоқ, ўйга ботмоқ, пинакка кетмоқ, яшиндай чақмоқ каби фраземалар мансуб бўлиб, улар ўзаро “тафаккур” семаси орқали бир парадигмани ташкил этади.

Қуйидаги фраземаларнинг маъноси эса тафаккур семаси асосида изоҳланган:

ақли кирмоқ – тушунмоқ, англаб етмоқ, етиб бормоқ – сезмоқ, англамоқ, уқмоқ, чақиб қолмоқ – мияга келмоқ, каллага келмоқ, тушуниб қолмоқ, етти ўлчаб бир кесмоқ - аниқ ўйламоқ, чуқур фикрламоқ, кўзи очилмоқ – кеч тушунмоқ, билмоқ, оқ – қорани танимоқ – фарқламоқ, ақл кирмоқ, миясига келмоқ – ўйламоқ, фаҳмламоқ, эсига келмоқ, хаёлига келмоқ, хаёлидан

ўтмоқ, кўнглидан ўтмоқ, бошидан кечмоқ, хаёл сурмоқ, ўй сурмоқ, хаёлга ботмоқ, хаёлга чўммоқ, ўйга ботмоқ, пинакка кетмоқ, яшиндай чақмоқ фраземалари “ўйламоқ” феълининг синонимлари сифатида нутқда намоён бўлади.

Фикрламоқ, ақл ишлатмоқ, билмоқ, зикр қилмоқ, идрок қилмоқ, ўрганмоқ, англамоқ, тушунмоқ, тасвирламоқ, ўқимоқ, фаҳмламоқ, хотирламоқ, эсламоқ, ёдламоқ, ўйламоқ феъллари ҳам тафаккур семаси асосида бир пардигмага бирлашади.

Боб юзасидан хулоса

Шу кунгача жаҳон тилшунослигида майдоннинг турлича кўринишлари ўзига хос равишда ўрганиб келинди: мазмуний (семантик), морфосемантик, ассоциатив, синтактик, функционал-семантик майдон ва бошқалар.

ФСМ (функционал-семантик майдон) да бирлашувчи асос, бошқа майдонларда бўлганидек, умумий мазмуний белгининг мавжудлиги бўлса-да, бу турдаги майдонлар турли сатҳларга хос воситалар (грамматик ва лексик бирликлар) бирлашуви ҳодисасининг юзага чиқиши билан бошқа турдаги майдонлардан фарқланади.

Умумий хулосалар

ФСМ ва мазмуний категория тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда ўрганиш масаланинг моҳияти тўла очилишига имкон бермайди. Мазмуний категориялар анъанавий йўналишда ўрганилган лисоний категориялардан қатор хусусиятлари орқали фарқ қилади, улар ФСМ гуруҳлари асосида ётувчи ўзининг мантикий мазмунига нисбатан бир хил бўлган гуруҳларни юзага келтиради. Мазмуний категориялар лексемаларни ономасиологик ёндашув орқали тадқиқ этишда муносиб ўрин тутати.

Ўзбек тили лексик системасида "тафаккур" архисемаси асосида бирлашган мазмуний майдон алоҳида ўрин тутати. "Тафаккур" умумий

семаси остида бирлашган тафаккур майдони бирликлари ўз ичида маълум фарқловчи белгилар воситасида кичик майдонлар ҳосил қилади.

Бирлаштирувчи семага эга бўлган бирликларни маълум алоҳида белгилари асосида навбатдаги кичик майдонларга, янада кичик майдонларга, тугалланган қаторларга бўлишда зидлаш ва фарқлаш усули энг қулай усулдир. Бунда тугалланган қаторлар бирликлари билан кичик майдон элементлари муносабати намоён бўлади.

Лексик бирликларни майдон сифатида ўрганиш тилнинг ифодалаш табиатини очиш билан узвий боғлиқдир. Чунки объектив олам бир бутун система бўлиб, унинг узвлари муайян микрооламлардан иборатдир. Бу микроолам инсон онги орқали тилда ўз ифодасини топади. Демак, тилни майдон сифатида ўрганиш ОЛАМ + ОНГ + ТИЛ диалектик муносабатини ифодалашга ёрдам беради.

Майдон таркибига кирган ҳар бир лексема семемасининг ўзи ҳам муайян семалардан ташкил топган яхлитлик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам семик тузилишдаги қайси семаси бирлаштирувчи сема вазифасини бажаришига кўра бир неча майдончаларнинг таркибий қисми бўлиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент:

Маънавият, 2008.

2. Каримов И.А. Бунёдкорлик, бағрикенглик, яшариш ва янгиланиш айёми / Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи. - Халқ сўзи, 2011 йил, 22 март.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

4. **Ахманова О.С.** Словарь лингвистических терминов. М.: СЭ, 1966
5. **Аристова Е.Б.** категория субъекта активные синтаксеми в современном английком языке. – Сб. Категория субъекта и объекта в языках различных типов. Л., 1982.
6. **Бегматов Э.** Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент: Фан, 1985.
7. **Бозоров О.** Ўзбек тилида даражаланиш. Тошкент: Фан, 1995.
8. **Васильев Л.М.** Современная лингвистическая семантика. М.: ВШ, 1990
9. **Исаев А.** Соматические фразеологизмы узбекского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Ташкент, 1977.
10. **Йўлдошев Б.** Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Самарқанд, 2007.
11. **Караулов Ю.Н.** Общая и русская идеография. М: Наука, 1976.
12. **Кучкартаев И.К.** Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке (компонентный и валентный анализ). Автореф.дис...док-ра филол. наук. – Ташкент, 1978
13. **Лингвистический энциклопедический словарь.** М: СЭ, 1990.
14. **Ломтев Т.П.** Общее и русское языкознание.- М.: Наука, 1976.
15. **Лурия А.Р.** Язык и сознание. МГУ, 1979.
16. **Махмудов Н.** Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик ассиметрия. – Тошкент, 1984.
17. **Миртожиев М.** Ўзбек тилида полисемия. Тошкент: Фан, 1975.
18. **Миртожиев М.** Ўзбек тилида феъл валентлиги. Тошкент, 2007.
19. **Неъматов Ҳ., Бозоров О.** Тил ва нутқ. Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
20. **Неъматов Ҳ., Расулов Р.** Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

- 21. Нурмонов А.** Ўзбек тилшунослиги тарихи. Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
- 22. Нурмонов А., Расулов Р.** Ўзбек тили жадвалларда. Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
- 23. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д.** Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.
- 24. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Акбаров А., Солихўжаева С.** Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992.
- 25. Новиков Л.А.** Семантика русского языка. М: ВШ, 1982.
- 26. Нурмонов А., Искандарова Ш., Набиева Д.** Анъанавий ва систем тилшунослик муносабати масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, 4-сон.
- 27. Нурмонов А., Йўлдошев Б.** Тилшунослик ва табиий фанлар. Тошкент, 2001.
- 28. Раҳматуллаев Ш.** Нутқимиз кўрки. Тошкент: Фан, 1970.
- 29. Раҳматуллаев Ш.** Фразеология // Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1957.
- 30. Рўзиқулова М.** Ўзбек тилида идиомалар: Филол. фанл. номз.... дисс. автореф. Тошкент, 1966.
- 31. Саидова М.** Наманган шеваларидаги қариндошлик терминларининг лексик-семантик таҳлили: Филол. фанл. номз.... дисс. автореф. Тошкент, 1995.
- 32. Соссюр Ф.** Курс общей лингвистики // Соссюр Ф. Труды по языкознанию – М.: Прогресс, 1977.
- 33. Соссюр Ф.** Курс общей лингвистики. М: Наука, 1979.
- 34. Собиров А.** Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. Тошкент: Маънавият, 2004.
- 35. Собиров А.** Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш: Филол. фанл. докт. ... дисс. автореф. Тошкент, 2005.

36. Современный русский язык. Теоретический курс. Лексикология. –М.:РЯ, 1987
37. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. М: Наука, 1971.
38. Солнцев В.М. Языковой знак и его свойства.//ВЯ -1977, №2.
39. Степанова М.Д. Проблемы теории валентности в современной лингвистике. – Иностр.языки в школе, 1973.
40. Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. М., 1978.
41. Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол. фанл. номз.... дисс.автореф. Тошкент, 1998.
42. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
43. Шомаксудов А. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1983.
44. Ўзбек тили грамматикаси. II том. Тошкент: Фан, 1976.
45. Шомаксудов Ш., Шорахмедов Ш. Маънолар маҳзани. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.
46. Ўзбек тили лексикологияси. –Тошкент: Фан, 1981.
47. Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. Тошкент: Фан, 1975
48. Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Тошкент: Фан, 1976
49. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-5-том. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008.
50. Қурбонова Б.Қ. Локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фанл. номз.... дисс. автореф. Тошкент, 2007.
51. Ҳакимов Қ. Ўзбек тилидаги содда гап қолиплари фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги: Филол. фанл. номз.... дисс. автореф. Тошкент, 1994.
52. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2002.

53. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980.